



ҒОЛИБЛАР ҚОНУНИ (21-30- қонунлар)

21-ҚОНУН. БАРЧА МУҲИМ ИШЛАРНИ ИМКОН ҚАДАР ТЕЗРОҚ БОШЛАНГ

Бир киши врач ҳузурига борибди. У ўзини ҳорғин, эзилган ҳис қилар, ўз зиммасига юклатилган вазифалар юки остида мадордан қолган экан. Унинг мияси қилиши лозим бўлган ишлар билан доим тўлиб юрар экан. Бу ҳолатнинг охири кўринмас эди. Ҳаётда ҳақиқатдан ҳам муҳим ишларни бажариш учун вақт етишмаслиги унга айниқса, қаттиқ азият келтираркан. Сал илгарироқ унинг жиғилдони қайнайдиған бўлибди. Кечалари яхши ухлай олмас, кундузлари эса жуда тез чарчар экан. Ўз-ўзига ишонч кун ўтгани сайин сўниб борар, унинг ўрнини эса тушқунлик тобора эгалламоқда эди. Доно шифокор барча муаммолар у ўз ҳаётидан қандай фойдаланаётганига боғлиқ эканлигини англабди. Бунда беморнинг уч одати асосий ролни ўйнар эди: у тезда бажарилиши лозим бўлган ишлар билан муҳим ишларни чалкаштирар, қандайдир ишларни доим ортга ташлаб юрар ва доим мукамалликка интилар эди.

* * *

ТЕЗДА ВА МУҲИМ

Бу икки тушунча ўртасида маълум бир фарқ бор. Муҳим ишларни қанчалик ортга ташлашасак, улар шунчалик тезда бажарилиши лозим бўлган ишларга айланаверади. Бундан биз ўзимизни борган сари ёмон ҳис қилаверамиз. Бу фақатгина ҳақиқатдан ҳам муҳим ишларгагина тааллуқли эмас. Ҳаттоки нисбатан иккинчи даражали вазифаларни деб ҳам виждонимизни қийин аҳволга солиб қўйишимиз мумкин.

Ғолибларнинг сири шундан иборатки, улар барча муҳим ишларни шу ондаёқ тезда бажарилиши лозим бўлган ишларга айлантиришади. Улар бу ишларни биринчи навбатда ва ҳар қандай имкониятдан келиб чиқиб бажаришади.

Ишларни (муҳим бўлсин, унчалик муҳим бўлмасин) қанчалик кейинга силтасак, улар тезда бажарилиши лозим бўлган ишларга айланаверади ва пировард натижада бажарилиши учун керагидан ортиқ вақт талаб қилади. Худди мана шу ерда жодуланган ҳалқа бошланади. Доим тезда бажарилиши лозим бўлган ишлар билан шуғулланувчи ҳар бир киши муҳим ишларни бажаришда вақт танқислигига дучор бўлади. Тезкорлик ҳаётимизга қанчалик ўз таъсирини ўтказса, муҳимликнинг таъсири шу қадар камаяди. Тезкорлик учун қилган ҳаракатимиз туфайли муҳимлик даражасини пасайтириб юборамиз. Нуқул тезкор ишларга диққат қилинганлик оқибатида ҳаётимизда муҳим ишларга кам вақт сарфланишига йўл қўйиб бўлмайди.

Фараз қилинг, меҳнат таътилига чиқиб, сиз автомобилнинг юкхонасини тўлдирмоқдасиз. Айтайлик, сиз аввало у ерга кийимлар солинган кичик пакетлар ва бошқа майда-чуйдаларни жойлаштирингиз. Катта-катта жомадонларга навбат келганда уларга жой етишмаётгани ойдинлашиб қолади. Аслида, бошқача ҳаракат қилинса тўғри бўлур эди: аввал катта жомадонлар жойлаштирилиб, сўнг турли бурчакларга кичик сумкалар

жойланса. Худди шунингдек, аввало ҳақиқатдан ҳам муҳим ишлар режалаштирилиб, уларнинг оралиғига кичик ва унчалик муҳим бўлмаган ишлар тикилиши лозим.

ЕТМИШ ИККИ СОАТ ҚОИДАСИ

Ҳеч бирор нарсани режалаштириб, уни бажармаган пайтингиз бўлганми? Бўлган! Эҳтимол, сиз кейинчалик ўзингизни интизомсизлигингиз учун койиган чиқарсиз.

Аслида эса сиз бор-йўғи етмиш икки соат қоидасини бузгансиз. Унга кўра ўз режангизни бажариш учун қарор қабул қилинган, етмиш икки соат ичида қандайдир аниқ ҳаракатни амалга оширишингиз керак. Агар ҳеч нарса қилмасангиз, ушбу режани қачондир амалга ошириш учун 100 имкониятингиздан биттаси қолади, холос. Бу ҳолда сиз ўз миянгизга муваффақиятга ишончсизлик ҳақида сигнал бериб қўясиз. Агар ўз миянгиз сизга ишонмаса, яхшиси ниятларингизни йиғиштириб ва уларни жиддий қабул қилмай қўяқолинг.

Тафаккуримиз режаларимизга бутунлай жиддий муносабатда бўлиши ва улар ҳақида эслаб туриш учун у марказий асаб тизимида муҳрланиб қолиши зарур. Бу эса сиз ўзингизга ҳаракатланиш учун буйруқ берганингиздагина амалга ошади. Ҳаракатланиш учун дастлабки импульс билан имиллаш сизнинг шу ишга нисбатан рағбатингизни борган сари сусайтиради.

«ТЕЗКОРЛИК» ВА «ШОШМА-ШОШАРЛИК» ФАРҚИ

Етмиш икки соат қоидаси иш тезлигини оширишингиз лозимлигини билдирмайди, асло! Аксинча, ортиқча шошмашошарлик стрессни кучайтиради ва касалликка олиб келиши мумкин. Кўпинча, айнан шошмасдан ишлаш талаб этилади. Инсон доим бир лойиҳадан иккинчисига пойга қўйиш тартибида яшаш учун яратилмаган.

Бир фирма жунглида савдо билан шуғулланишни мақсад қилибди ва маҳсулотни ташиш учун африкалик ҳаммолларни ёллабди. Ҳаммоллар доим шошириб туришларига қарамасдан, учинчи кунга бориб уларнинг барчаси ерга ўтириб олибди ва ҳеч қандай алдов ҳам уларни туришга кўндира олмабди. Жаҳлланган фирма раҳбари гап нимадалигини сўрабди. Шунда африкаликлардан бири дебди: “Биз жуда шошдик, гарчи танамиз шу ерда бўлса ҳам, жонимиз кетимиздан етиши учун кутиб туришга мажбурмиз”.

Ўзимизга қулоқ солиш, ўйлаш, мушоҳада қилиш, кейинги режаларни тузиб олиш ва жорий ишлардан ҳақиқатдан ҳам муҳимларини ажратиб олиш учун бизга сокинлик ва тинчлик керак. Шу сабабли “тез” ва “дарҳол” тушунчалари ўртасида фарқ бор. Муҳим ишларга дарҳол киришиш керак, лекин уларни ўта юқори тезликда қилиш шарт эмас.

Бир неча ишларни бир вақтда қилиш, иш тезлигини чексизлик қадар ошириш мумкин эмас. Бироқ муҳим ишни ортга ташламасдан, дарҳол бажарган маъқул.

«ОРТГА ТАШЛАШ» КАСАЛЛИГИ

Ишни кейинга қолдирмасдан бажариш қатъияти барча ишларга, ҳатто сизга хузур бахш этмайдиган ишларга ҳам тааллуқлидир. Бу ҳолда уларни ортга ташлаш тенденцияси яққол намоён бўлади.

Сизда меҳмонхонада жой банд қилишга улгурмаслик ҳолати бўлганми? Энди сиз бир меҳмонхонадан иккинчисига кўнғироқ қилиб, жой ахтариш учун анча вақт сарфлашга маҳкумсиз. Агар сиз бу ишга ўз вақтида киришганингизда битта кўнғироқ етарли бўлар эди. Энди эса бу жараён соатлаб чўзилиши мумкин.

Кейинга қолдирилаётган ўзимизга унчалик ёқмайдиган ишлар борган сари ёқимсиз бўлиб бораверади. Улар бизни қийнай бошлайди. Улар ҳақидаги ўй бутун бир кунимизни заҳарлайди. Агар бу ишларни биринчи навбатда бажарганимизда биз ҳаётдан завқлана бошлардик, чунки энди бизни ёқимли ишлар кутиб турган бўларди. Шунини унутмаслик

керакки, энг ёқимсиз иш ҳам бажарилган заҳоти елкамиздаги залворли юкни йўққа чиқаради.

МУКАММАЛЛИККА ИНТИЛИШ

Ишни имкон қадар тез бошлаш камлик қилади. Уни охиригача етказиш ҳам керак. Ортиқча мукамалликка интилиш кўпинча у ёки бу лойиҳани тугатишда халақит беради. У ҳатто бутун бир ҳаракатларимизни фалаж қилиб қўйиши ҳам мумкин. Мукамаллик ишқибози вақтининг саксон фоизини ишининг сўнгги уч фоизига сайқал беришга сарфлаши мумкин. Бу ҳолда тўксон тўққиз фоиз инсон бажарилишдаги фарқни сезишмайди ҳам. Инсон ҳақиқий мукамалликка ҳеч қачон эриша олмаслиги аллақачон исботланган.

Мусаввир Пьер Боннар ҳақида ҳикоя қилишадикки, у кунлардан бирида мўйқалами ва бўёқларини олиб Луврга келибди ва музейда осиглиқ турган ўз картиналаридан бири устига қўшимча нарсалар чизишга киришибди. Музей ходимлари уни ушлашибди. У эса эътироз билдира бошлабди: “Ахир бу менинг картинам. Уни ҳали тугатганим йўқ”. Шунда музей ходимларидан бири унга дебди: “Картина тугалланган. Йўқса у Луврда турмасди”.

Йўл қўйилиши мумкин бўлган хатолар олдидаги кўрқув ҳисси бўлади. Ахир лойиҳа тўлиқ тугалланмагунча ҳеч ким ундаги хатоларни кўра ва аниқлай олмайди-да. Бироқ жуда кўп ҳолларда хато қилмаган киши эмас, ишлаган киши муваффақият қозонади. Иш натижаларини хатолар сонига қараб баҳолаш ярамайди. Бироқ жуда кўп мактабларда баҳо айнан шунга нисбатан белгиланади. Бироқ, инсонда хато қилиш ҳуқуқи бўлиши керак. Ахир хатолар орқали ўрганамиз.

Кунларнинг бирида Ай-Би-Эм компанияси асосчиси Том Уотсоннинг ходимларидан бири хатога йўл қўяди ва бу фирмага 10 миллион долларга тушади. Ўша ходим Уотсоннинг кабинетига чорланганда у ишдан ҳайдалишим муқаррар деб ўйлаган эди. Уни ҳайрон қолдирганча бошлиғи дебди: «Сизни ҳайдашим керак? Ўрганишингиз учун 10 миллион доллар сарфлаб-а? Ҳеч қачон!» Биз хатоларимиздан хулоса чиқаришимиз керак. Фақат шу ҳолатда биз кучлироқ ва ақллироқ бўламиз. Бу ерда қуйидаги қоидага амал қилган маъқулроқ: “Хатога йўл қўймаслик учун имиллагандан кўра кичикроқ хатоларга йўл қўйиб бўлса-да, ҳаракатни бошлаган афзалроқ”.

АМАЛИЙ МАШҚЛАР

Бугундан эътиборан муҳим ишларни имкон қадар тезроқ бажаришга киришаман. Бу йўлда менга қуйидагилар керак бўлади:

1. Ҳар куни эрталаб ўз-ўзимга «Менга қайси ишни қилиш бошқаларига нисбатан кўпроқ ёқмайди?» деб савол бераман. Айнан ўша ишни биринчи навбатда бажаришга киришаман. Шу йўл билан ўзимни ноҳуш ҳолатлардан қутқараман. Уни қанчалик тезроқ якунига етказсам, кун мен учун шунчалик завқли ўтади. Чунки олдинда мени фақат ёқимли ишлар кутмоқда.

2. Ўзимга навбатдаги саволни бераман: “Бугун мен учун қайси вазифа муҳимроқ?” Дарҳол унга киришаман ва уни бажариб бўлгунга қадар бошқа ишларга чалғимасликка ҳаракат қиламан. Гарчи шу куни мен бошқа бирор ишни қилолмасам-да, асосий иш бажарилганини ҳисобга оламан.

3. Мен ўзимга савол бераман: «Ортга ташлаб бўлмайдиган» ишлар учун кўп энергия сарфламаслик ва муҳим ишларни бажариш учун етарли вақт қолиши учун ҳаётимда нимани ўзгартиришим керак?”

4. Ўзим учун ниманики режалаштирмай, етмиш икки соат ичида ўз ниятимни амалга ошириш учун киришимиз керак. Камида бу йўналишда биринчи қадамни босишим керак. Бугундан бошлаб ҳаммани тез ишлашим билан қойил қила бошлайман.

5. Мен мукамалликка ҳаддан зиёд интилиш тузоғига тушиб қолган-қолмаганимни текшириб кўраман ва ўз лойиҳамнинг қай ерида ниҳояловчи нуқта қўйишим кераклигини аниқлаб оламан.

22-ҚОНУН. МАСЪУЛИЯТНИ ЗИММАНГИЗГА ОЛИНГ

Хўжайин хизматкорини шаҳарга — апельсин сотиш учун жўнатибди. Кечқурун уйга қайтган хизматкор хожасига дебди:

— Менга омад юз бурмади. Одамлар худди келишиб олгандек апельсинни қиммат сотаётганимни рўқач қилишиб, бирор дона ҳам сотиб олишмади.

— Таассуфки, сенда шу апельсинчалик ҳам ақл йўқ, — дебди унга хўжайини.

Хизматкор хафа бўлибди, шунда хожаси битта апельсинни қўлига олибди-да дебди:

— Ҳозир шу апельсинни кафтимда сиксам нима бўлади?

— Суви чиқади, — дебди хизматкор.

— Тўғри. Агар уни болға билан эзсам-чи?

— Унда ҳам суви чиқади.

— Агар уни эшак туёғи билан босиб олса-чи?

— У ҳолда ҳам суви чиқади.

— Худди шундай, — дебди хўжайин. — Апельсинни нима қилишмасин унда мавжуд бўлган нарса ташқарига чиқади. Сенда эса пайдо бўлган вазиятни баҳолай олиш қобилияти бор. Сен бу қобилиятингни бошқаларга топшириб қўйиб, ўз аҳмоқлигинг учун айбни улар зиммасига юкляпсан.

* * *

Ишлар биз истагандек кетавермаса бунинг учун айбни ноқулай вазият ёки бошқа кишиларга қўямиз. Биз иқтисодий вазиятни, ҳаётий шароитларни, ота-онамизни, рафиқамизни, фирмамизни, соғлигимизни, раҳбариятни ва ҳ.к.ларни айблаймиз...

Чунки биз бир неча марта қуйидагича гапларни эшитганмиз:

“Агар бу ҳолат рўй бермаганида, мен...”

“Агар кўпроқ вақт (пул)им бўлганида, мен...”

“Менинг кайфиятим яхши эди, бироқ сен...”

Бу гапларни бир нарса бирлаштириб турибди: айбдор исталган нарса (киши) бўлиши мумкин фақат мен эмас. Бироқ, масъулиятни бошқа кишига юклаган киши уларга бир вақтнинг ўзида ҳокимликни ҳам топшириб қўяди.

ГАП ВАЗИЯТДА ЭМАС, УНДАН ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНАЁТГАНИМИЗДА

Сиз ўз ҳаётингиз учун масъулиятни тўлиқ ўз зиммангизга олганингиздагина ғолиб бўла оласиз. Албатта, сиз ўзингиз тушиб қолган вазиятларнинг ҳаммаси учун ҳам масъул эмассиз. Бироқ фақат сизгина унга қандай баҳо бериш ва англаш учун масъул ҳисобланасиз. Балки ҳозир ўзингиз тушиб қолган мавжуд иқтисодий вазият учун масъул эмасдирсиз. Бироқ бу ҳолатда ўзингизни тутишингизда масъулият фақат ўз зиммангиздадир.

Сиз ноқулай иқтисодий вазиятни ўзингизни оқлаш учун ишлатишингиз мумкин: “Энди мен икки карра эҳтиёт бўлишим керак”, каби. Сиз шунингдек, унда янги имкониятларни топишингиз мумкин: “Менинг йўқотадиган нарсам йўқ, бундан-да пастга қулаш мумкин эмас”, деб. “Масъулият” сўзи замирида “жавоб” сўзи ётади. Масъулият — ҳар қандай вазиятга тўғри жавоб бера олиш маҳорати ҳисобланади. Агар сиз ўз мақсадингизга диққатингизни жамласангиз ва ҳеч кимга ўзингизни бу йўлдан чалғитишга қўйиб бермасангиз — жавоб тўғри бўлади.

Бернард Шоу бу фикрни анча лўнда ифодалаган: “Биз ҳар бир омадсизликда вазиятни айблашга қўниқиб қолганмиз. Мен ҳеч қанақа вазиятга ишонмайман. Ҳаётда

муваффақият қозонишни мақсад қилган инсон ўзига керакли вазиятни топа олади. Агар топа олмаса, уни ўзи яратади”.

МАСЪУЛИЯТДАН ВОЗ КЕЧГАН ИНСОН АСИР ТУШАДИ. УНИ ЗИММАСИГА ОЛГАН КИШИ ОЗОДЛИККА ЭРИШАДИ

Виктор Франкл XX асрнинг энг етук психологларида бири бўлган. У умрининг анча йилини концлагерларда ўтказган. У ерларда унинг жамики оила аъзолари қурбон бўлишади. Унинг ўзи эса шафқатсиз қийноқларга дучор бўлиб, ўлим билан юзлашади.

Тутқунликда Франкл тўсатдан англайди: “Менинг ҳодисаларга нисбатан муносабатларимга ўзимдан бошқа инсон хўжайин эмас. Сиз мени қийнашингиз, яқинларимни қатл қилишингиз мумкин, бироқ фикрларим фақат ўзимга тегишли. У ёки бу вазиятни қандай баҳолашни ўзим ҳал қиламан”.

Шунда у ўзига дебди: “Токи мен шундай шафқатсиз шароитларда шахсиятим ва характеримни сақлаб қола олар эканман, буни ҳар қандай киши удралайди”.

Фиктор Франкл ўз кузатишларини битта гапга жамлаган: “Инсонда қоладиган эркинликларнинг энг сўнггиси исталган вазиятга ўз муносабатини мустақил танлашдан иборатдир”.

Жамики замон ва маконларда сон-саноксиз инсонлар асир ёки кул қилинган. Улар биздек эркин, озод бўлиш учун бор нарсасини беришга тайёр бўлишган. Бироқ биз ўзликимизни тафтиш қилиб, нечоғлик эркин эканлигимизни аниқлаб олишимиз зарур. Ҳар куни ўз-ўзимизга “ўзининг чексиз эркинлигимдан қандай фойдаланаяпман?” деб савол беришимиз керак.

БИЗНИНГ КУНДАЛИК ТАНЛОВИМИЗ

Жуда кўп оқилу-донолар ҳар янги кунни туғилишга ўхшатишган. Нега? Чунки ҳар янги кунда биз янги ҳаёт бошлаш имкониятига эга бўламиз. Ҳар янги кун бизга бебаҳо инъом — ҳаётимиз бахтли бўлиши учун халақит бераётган нарсаларни ўзгартириш имкониятини беради.

Кўпинча биз бу имкониятларни илғамаймиз. Чунки агар биз танлаш ҳуқуқи ўзимизда эканлигини тан олсак, ўзимизни оқлаш ҳуқуқидан айриламиз-да. Бу ҳолатда ҳамма нарсага ўзимиз масъул бўламиз. Шу сабабли бизнинг таъсиримиздан ташқарида бўлган вазиятларга катта аҳамият бериб юборамиз. Бу ердан эса натижа келиб чиқади — биз ўзимиз истагандек яшамаймиз. Биз ўз ҳаётимизни вайрон қиламиз.

Ўз-ўзни вайрон қилишнинг жуда кўп йўллри бор. Биз ўз танамиз, муҳаббатимиз ва орзуларимизни ўлдиришимиз мумкин. Атрофимиздагилар балки буни сезишмай қолар, лекин бу ҳолатда биз табиат қонунларини бузиб, ўз-ўзимизга нисбатан жиноят содир этамиз. Кўпгина инсонлар вазиятни ўзгартириб, ўзларига эркинликни қайтара олишларига ишонишмайди. Бунинг ўрнига, улар кулликларини кучайтириш учун бор куч-ғайратларини аяшмайди.

Инсонлар бор масъулият ўзларида эканлигини ҳазм қилишлари қийин. Ўзидан масъулиятни соқит қилувчи инсон қуйидаги латифа қаҳрамонига ўхшайди: Бир инсон доим тушлик қилиш учун ишхонасига уйдан егулик олиб келаркан-да, ҳамкасбларига шикоят қилар экан: “Бемаънилик! Яна пишлоқ ва помидорли хот-дог! Ахир уни кўрарга кўзим йўқ!” — деб. Бу ҳолат ҳар куни такрорланар экан. Шунда ҳамкасбларидан бирининг сабр косаси тўлибди: “Менга қара, агар пишлоқ ва помидорли хот-догни ёмон кўрар экансан, хотинингга айт, бошқа бирор нарса тайёрлаб берсин”, дебди ниҳоят. “Эсинг жойидами? — дебди бояги одам. — Мен уйланмаганман! Хот-догни ўзим тайёрлайман!” Ҳаётда ҳамма ўзига ўзи хот-дог тайёрлайди. Танлаш эса фақат ўзингизгагина боғлиқ.

КАРЬЕРА ЎСИШИ УЧУН МАСЪУЛИЯТ

Маошингиз ўртача маошдан юқори бўлиши фақат ўзингизга боғлиқ. Компания сизга фантастик маблағни кафолатлашга мажбур эмас. Бошлигингиз хизмат пиллапояларида кўтарилишингиз учун қайғуришга мажбур эмас. Хотинингиз телевизорни ўчириш, костюмингизни олиб бериш ва дарвоза олдигача кузатишга мажбур эмас.

Албатта, ҳар доим ҳам ҳамма нарса биз ўйлагандек бўлавермайди. Бироқ фақат ўзингиз у ёки бу вазиятга нисбатан қандай ҳаракат қилишни ҳал қиласиз. Ноқулай вазиятлар ҳаракатингизни секинлаштириши ёки тўхтатиши мумкин, бироқ сиз ҳар қандай тўсиқларга қарамасдан мақсад сари ҳаракатланиш ҳақида қарор қабул қила оласиз.

Масалан, фақат ўзингиз ўз маошингиз миқдори учун масъулсиз. Чунки маош олинмайди, унга лойиқ иш қилиш керак. Доим ўз имкониятини қўлдан бой бериб юрганлар кишининг энсасини қотиради. Эртами-кечми улар “Ўз қобилиятингиздан қандай фойдаландинг?” — деган саволга жавоб беришга мажбур бўлишади. Бизга эркинлик берадиган қарорлардан қочмаслик керак. Бу курашдан воз кечиб, ҳаётни шамолга совуриш дегани.

АТРОФДАГИЛАР БИЛАН МУНОСАБАТЛАР УЧУН МАСЪУЛИЯТ

Бизга ўз реакцияларимиз учун масъул эканлигимизни тан олиш осон эмас. Айниқса, бу реакция нотўғри бўлса. Кимдир биринчи бошлагани учунгина баҳсга киришмаслик бемаънилик, албатта. Баҳс ва зиддият ўрнига бошқа бир жавобни топиш мумкин. Бизни чаққан илон кетидан қувсак, бунинг натижасида заҳар танамизга тезроқ тарқалади. Аксинча, дарҳол бирор чора кўриш керак.

Дарҳол баҳсга кириш ўрнига ўз реакцияларимизни назорат қила олишимиз мумкинлигини эсланг. Сизга қуйидаги фикрларнинг нафи тегиб қолар:

— Атрофимиздагиларнинг салбий муносабатлари учун кўпинча ўзимиз бош сабаб бўламиз. Агар буни тан ололсак, ўз хулқимизни тўғирлашга кучимиз етади.

— Ўзга инсоннинг жазавали хулқи остида кўпинча қўрқув яширин бўлади. Эҳтимол, у сизнинг устунлигингиздан кўрқар.

— Инсонларни ўзгартиришдан кўра, уларни баҳолаш мезонини ўзгартириш осонроқ. Эҳтимол, сиз атрофдагиларга баҳо бериш учун мезон чизигини жуда баланд қўйгандирсиз, шунинг учун сизни тўлиқ қониқтирадиган инсонни топа олмаётгандирсиз? Бу ҳолатда кутган нарсамизнинг рўёбга чиқмаслигининг сабаби атрофимиздагиларнинг хулқ-атворлари эмас, ўзимизнинг баланд даражали кутганимиз бўлиб чиқади.

Агар бизнинг олдимизда кимдир ўзини биз истагандек тутмаса, бундай хулққа нисбатан жавобимиз қандай бўлишини танлашга ўзимиз ҳуқуқли эканлигимизни эшлаш зарур. Бу ҳолатда ўйламай қилинган реакцияни ишга туширишни бир-икки сонияга кечга қолдириб, қуйидаги саволларга жавоб топиш керак:

1. Балки бу менинг ўтмишдаги ўз салбий хулқимга нисбатан реакциядир?

2. Балки бу инсоннинг жазавага тушиши замирида мендан кўрқиши яширингандир? Бу ҳолатда уни тушунишим ва ёрдам беришим керак.

3. Мени ўзи нима асабийлаштирмоқда? Бу инсоннинг хулқими ёки менинг баланд баҳолаш мезонимга жавоб бера олмаслигимиз? Балки сабаб ўз-ўзимга ишончсизлигимиздир?

ТАН ОЛИНГ, ҲАММАСИНИ ЭПЛАЙСИЗ

Сиз шуни тушунингки, ўз вақтида керакли йўналиш берганингиз учун ҳаётингиз айнан шу кўринишда давом этмоқда. Фақат шундан сўнггина бугунги кундан оқилона қарор чиқариб, уни бошқа — янада қулайроқ оқимга йўналтира оласиз. Бунда сиз ўз ҳаётингиз устидан назорат ҳосил қилганингиз тушунилади.

Бир вақтлар ҳамма саволларга жавоб топа оладиган қари устоз яшаган экан. Бу ҳол унинг икки шогирдига тинчлик бермабди ва улар устозларини мот қилмоқчи бўлишибди.

Улар бир қушни тутиб олиб, уни кетларига бекитиб, “қуш тирикми ёки ўлган?” деб устозга савол беришни келишиб олишибди. Агар устоз “тирик” деб жавоб берса қушнинг бўйни дарҳол узилар, агар “ўлган” деб жавоб берса қуш қўйиб юборилар эди. Ҳар икки ҳолда ҳам устоз ноҳақ бўлиб чиқар экан.

Улар устозлари хузурига келиб, “Кетимизда беркитиб турган қуш тирикми ёки ўлган?” — деб сўрашибди. Шунда устоз уларга қарата қуйидагича жавоб берибди: “Нима дейишимдан қатъий назар, қуш сизларнинг қўлларингизда”.

Ҳаётингиздаги жамики нарсаларни — ўзаро муносабатлардан тортиб банкдаги ҳисоб рақамингиз миқдоригача ўзгартиришни эплай оласиз. Сиз буни қарор қабул қилиб ҳаракатни бошлаган кунингиз бажарасиз. Шу сабабли ҳаракатларингиз учунгина эмас, ҳаракатсизлигингиз учун ҳам масъул ҳисобланасиз.

Бир қўхна қўшиқда сигарета сотиб олиш учун қўшни кварталга йўл олган инсон ҳақида куйланади. Йўлда унинг калласига ажойиб фикр келиб қолади: “Шундоқ олсаму, Нью-Йоркка кетворсамми?”. Паспорти ёнида, пули етарли. У бу ҳақда бутун умр орзу қилган экан. У бу эсипастлик билан қилинган қарорнинг оқибатларини ўзига-ўзи жонли бўёқларда тасвирлаб беради... ва сигарета сотиб олиб, уйига қайтади.

Орзуларингиз рўёбга чиқиш-чиқмаслиги фақат ўзингизга боғлиқ. Агар сиз дарҳол ишга киришсангиз, истаган нарсангизни амалга ошира оласиз. Бунинг учун сизда куч топилади. Бироқ эҳтиёт бўлинг: Агар сиз ирода ва қатъиятингизни узоқ вақт намоёиш қилмасангиз, улар кучсизланиб, йўқолиб ҳам кетиши мумкин”.

Ғолиблар масъулиятни тўлиқ ўз зиммаларига олишади ва ҳеч қачон ҳеч кимга ўз ҳаётлари устидан ҳокимликни топшириб қўйишмайди. Улар ўзлари билан бўладиган ҳамма ҳодисаларга ҳам таъсир ўтказа олмасликларини яхши тушунишади, бироқ бу ҳодисаларга қандай аҳамият бериш ва уларга қандай муносабатда бўлишга оид қарор қабул қила олишлари ҳақида доим ишончлари комил.

Улар масъулиятни ўз зиммаларига олишлари билан ҳар қандай салбий ҳиссиётлар таъсиридан қутилишларини яхши билишади.

АМАЛИЙ МАШҚЛАР

Бугундан бошлаб ўз ҳаётим учун жамики масъулиятни ўз зиммамга олиш ҳақида қарор қабул қиламан. Бунинг учун мен қуйидагиларни бажаришим керак:

1. Бугундан мен инсонларни ҳам вазиятларни ҳам ҳеч нарсада айбламайман. Агар айбни бировга тўнкасам, мен ўз ҳаётим устидан ҳокимликни унга топшириб қўяман, бироқ мен ўзимга ўзим хўжайин бўлмоқчиман.

2. Агар қандайдир вазият менга жуда мураккаб туюлса, кўзларимни юмиб мenden кучлироқ инсонни кўз олдимга келтираман. Мен ўзимга савол бераман: “Бу инсон бу вазиятни қандай баҳолаган ва менинг ўрнимда нима қилган бўларди?”

3. Агар бугун мен қандайдир мақсадимга эриша олмаган бўлсам, бунинг учун бор масъулият менинг зиммамда. Худди шунингдек, барча муваффақиятларим учун ҳам масъулиятни ўз гарданнимга оламан. Бу ҳолатда менга ёрдам берган инсонлар ёки тақдирга ташаккур айтмайман. Мен ўз муваффақиятларимдан шодланаман ва ғурурланаман. Бу ўз-ўзимга ишонч ҳиссим ортишига кўмаклашади.

4. Агар кимдир менга нисбатан жазавали ва тажовузкор ҳаракат қилса мен бу инсонни тасодифан хафа қилганим ёки кўрқитиб юборганим хусусида ўзимга ўзим савол бераман. Шунингдек, ушбу инсонга нисбатан кутганларим меъёрдан юқори экан-эмаслигини текшириб кўраман.

23-ҚОНУН. ҚЎРҚУВЛАРИНГИЗНИ ЕНГИШНИ ЎРГАНИНГ

Ўрмонда сайр қилиб юрган болакай ялангликда икки томорқага дуч келибди. Эгалари томорқада ишлашаётган экан. Бироқ бу томорқалар бир-биридан тубдан фарк қиларди. Уларнинг бири ёввойи ўтларга тўла бўлиб, эгаси тиним билмай меҳнат қилса-да, уларни йўқотолмаётганидан ёзғирарди.

Иккинчи томорқа эса жуда қаралган ва тартибли экан. Эгаси эса ҳузур қилиб қўшиқ хиргойи қилганча шошилмасдан ишларди. Кўринишича, томорқада ишлаш унга заррача оғирлик қилмаётганди.

Болакай ўз ишидан мамнун боғбон билан танишишга қарор қилибди ва унга нега томорқани тартибга келтиришни бу қадар осон эплагани-ю, қўшниси тер тўкиб ишласа ҳам айтарли натижага эриша олмаганига қизиқибди.

Боғбон шундай жавоб берибди: “Илгари мен ҳам у каби ҳолдан тойгунча ишлаб, ёввойи ўтларни йўқота олмаганман. Уларни қанчалик юлмай, илдизлари ерда қолиб, яна ўсиб чиқаверарди. Ўтлар мен юлишга улгурганимдан ҳам тезроқ ўсарди. Шунда мен бошқача йўл тутишга қарор қилдим. Мен шувоқу ажриқлардан ҳам тез ўсадиган гул топдим. Тез орада жамики ёввойи ўтлар гуллар соясида қолиб, қуриб, ўз-ўзидан йўқолиб кетди”.

Болакайни кузата туриб, боғбон ўрмон ёқасидаги фақат заҳарли ўт-ўланлар ўсиб ётган учинчи томорқани кўрсатибди ва дебди: «Бу томорқанинг эгаси — қули енгил табиб. У учаламизнинг орамизда энг ақллиси ҳисобланади. У томорқасида ўсиб ётган заҳарли гиёҳлардан дори-дармон тайёрлайди».

* * *

Ҳар қандай инсон — ҳаттоки буюк ишлар қилувчи инсон ҳам, — кўрқув ҳиссини жуда яхши билади. Ҳеч нарсадан қурқмайдиган инсон ЖАСУР эмас, ҳар қандай кўрқувга қарамасдан ОЛФА борган инсон ЖАСУР ҳисобланади.

Кўрқув — воқеликка айланишини исталмайдиган ҳодисалар ҳақида тасаввур қилишдир. Бу тасаввурлар қанчалик ёрқин ва тез-тез пайдо бўлса, кўрқув шунчалик кучли бўлади. Кўрқувга қарши курашиш қийин, бироқ уни ўз фойдамизга ишлатишимиз, ёинки унга қарши бошқа, янада кучлироқ туйғуни қарши қўйишимиз мумкин.

Биз кўрқув олдида иложсиз эмасмиз асло. Биз унга қарши курашишимиз, уни ҳаётимизни заҳаралашга йўл қўйиб бермаслигимиз мумкин.

ҚЎРҚУВНИ МАМНУНЛИК ҲИССИ БИЛАН ЕНГИШ МУМКИН

Кўрқувни ўтти ердан юлгандек юракдан юлиб ташлаб бўлмайди. Тасаввур қилинг, чироқни ўчирдингиз ва сизни тим қоронғулик чулғаб олди. Зулматга қарши нима ишлатасиз? Унга қарши курашиш ёки уни қувиш — бемаънилик. Уни фақат ёруғлик билан енгил мумкин.

Кўрқув — зулматга ўхшайди. Уни қувиб бўлмайди. Биз уни қанчалик жон жаҳдимиз билан қувадиган бўлсак, у шунчалик кучая боради. Бу ҳолатда ҳаракат кучи тесқари ҳаракат кучига тенг. Бироқ, кўрқувга нисбатан бошқа бир кучлироқ ҳис-туйғуни ишлатиш мумкин. Худди зулматни ёруғлик билан кесгандек.

Буни тушунтириш жуда осон. Бизнинг миямиз айни бир вақтнинг ўзида биттадан ортиқ фикрни ўйлай олмайди. Агар биз миямизни кўрқувга тесқари туйғулар билан банд қилсак, кўрқувга ўрин қолмайди. Кўрқувнинг тесқариси асло жасурлик эмас. Ахир жасур инсон ҳам кўрқувни туяди, бироқ уни енгил ҳаракат қилади. Шу сабабли уни биз жасур деб атаймиз.

Кўрқувнинг акси мамнунлик ҳисобланади, шу сабабли кўрқувни мамнунлик билан енгил мумкин. Агар сиз ўзингизда мамнунлик ҳиссини ўйғотувчи бешта нарсани эслай

олсангиз, кўрқувдан асар ҳам қолмайди. Бу мутлақо оддий нарса бўлиши мумкин, масалан: юриш, кўриш, гапириш, ўқиш қобилятингиз. Бу сизнинг автомобилнингиз, квартирангиз, сиз суйган ва сизни севувчи одамлар бўлиши мумкин.

Биз кўпинча бундай нарсаларни ўз-ўзича бўладиган нарса сифатида қабул қиламиз, ҳеч қурса, улардан айрилгунимизча. Худо кўрсатмасин-у, юриш имкониятидан маҳрум бўлсангизгина бу қандай бахт бўлганини англаб етасиз.

Буни тез-тез англаб туриш керак, шунда ҳаётингиз тўқис ва бой бўлади.

БУЮК МАҚСАДЛАР ҚЎРҚУВНИ ЧЕКИНТИРАДИ

Кўрқувни енгишга қаратилган яна бир усул ўз мақсадингизга диққатингизни жамлашдан иборат. Агар биз мақсадимизни кўздан қочирсаккина кўрқув бизни тўла-тўқис чулғаб олиши мумкин. Ҳар ҳафта ўзингизнинг энг муҳим мақсадларингизни ёзиб боринг. Уларга етишганингиздан сўнг ҳаётингиз қандай бўлишини тасаввур қилиб турунг.

Ўз мақсадларингиз ҳақида орзу қила туриб кўрқув нималигини унутганингизни сезиб қоласиз шунда. Албатта, бу иш учун кунига бир неча дақиқангиз қурбон бўлар, бироқ, ҳаракатсизлик ва кўрқув исканжасида бундан-да кўпроқ вақтингизни йўқотасиз.

Тўғри, бу муолажадан кўп ўтмай кўрқув яна қайтади, бироқ энди сиз уни анча хотиржам қарши оласиз. Бундан ташқари, бу ҳолатда кўрқув сизга яна ўз мақсадларингизни ёдга олиш ҳақида сигнал бўлиб хизмат қилади.

ЎНГА АМАЛИЙ МАСЛАҲАТ

Агар сизни кўрқув чулғаб олса қуйидаги ўн бўлимни ўқиб чиқинг:

1. Ўз-ўзингизга «Менинг аввалги кўрқувларим нима бўлди?» деб савол беринг. Шунда сиз ўтган даврдаги кўрқувларингизнинг максимум беш фоизи воқеликка айланганини тушуниб етасиз. Бевоталигингиз нечоғлик асосли эканлиги ҳақида ўйлаб кўринг. Эҳтимол, сиз арзимаган нарса учун хавотирланаётгандирсиз?

2. Сизда мамнуният ҳиссини уйғотувчи беш нарсани ёзиб қўйинг. Ўз-ўзингизга: «Шу вақтгача ишларим жойида эди. Бундан буён ҳам шундай бўлади!» денг.

3. Биз кўрқаётган нарсаларнинг кўпи келажакда содир бўлиши, умуман содир бўлмаслиги ҳам мумкин. Бугунги кунга уларнинг мутлақо алоқаси йўқ. Унда нега бугун қийналишимиз керак?

4. Бугунги кун кўнгилдагидек тугашига ўзингизни ишонтиринг. Эртага эса яна бир шундай кун кутиб турибди. Ҳаёт алоҳида кунлар кетма-кетлигидан иборат.

5. Агар кўрқув ниҳоятда катта бўлса тезроқ ғолиб инсон билан мулоқотга киришинг. Унинг хузурида кўрқувингиз йўқолади. У ёки бу инсон шундай ҳолатда нима қилган бўлиши ҳақида ўйласангиз ҳам бўлади.

6. Иш билан машғул бўлинг. Албатта, кўрқув чегарадан чиқай деб турганда бу осон иш эмас, бироқ жуда муҳим. Чунки кўрқув юки айнан ишсиз, бекор ўтирган одамни янада каттиқроқ босади.

7. Бу иш қўлингиздан келиш-келмаслиги ҳақида ўзингизга савол бера кўрманг. Савол бошқачароқ янграши керак: “Мен уни қай тариқа бажараман?” Нима бўлганда ҳам сиз тўғри ечимни топасиз.

8. Ўзингизни ижобий тасаввуротларингизни ишга солинг. Ўзингиз ҳақида охири бахайр тугайдиган қизиқ ҳикоя ўйлаб топинг.

9. Ўзингиз севган мусиқани тингланг. Кўрқув худда бўлмагандек йўқолади.

10. Муваффақият кундалигингизни тўлдирунг. Нақадар омадли инсон эканлигингиз ва арзимаган нарсалар учун бевотта бўлишга ҳожат йўқлиги тезда эсингизга тушади.

ҚЎРҚУВ МАЛҲАМ ҲАМ, ЗАҲАР ҲАМ БЎЛИШИ МУМКИН

Баъзан кўрқувдан чегараланган меъёрда рағбатлантирувчи восита сифатида фойдаланиш мумкин. У билан худди заҳар билан бўлгандек муносабатда бўлиш керак.

Керагидан ортиқроқ меъёр фалаж ва ўлимга олиб келиши, бироқ озроқ миқдори кучли таъсир этувчи дори бўлиши мумкин. Шу сабабли ғолиблар кўрқув импульсига унчалик қаршилиқ кўрсатишмайди, бироқ ўзларини тамоман унинг ихтиёрига ҳам топшириб қўйишмайди.

Ғолиблар оз миқдордаги кўрқув яхшигина стимул (рағбатлантирувчи, олдинга ундовчи) бўлиши мумкинлигини аллақачон англаб етишган. Улар ўзларига шундай дейишади: «Мен янги қадам босиш олдидан кўрқувни ҳис қилмас эканман, демак бу кўзлаган қадамим мен учун жуда майда эканлигини билдиради».

Ғолиблар кўрқувни тўғри йўлда эканликларининг ишончли белгиси сифатида қабул қилишади. Улар ўз кўрқувлари билан иттифоқ тузишган ва уни ўз ўсишларининг ҳаракатлантирувчи омили ҳисоблашади.

ФАЛОКАТЛАР

Ғолиблар фалокатлардан беркинишмайди. Улар ўз ҳаётларида қайғули дақиқалар албатта бўлишини билишади. Бундан ҳеч ким қочиб қутилолган эмас. Шу боис, қуйидаги маслаҳатлардан фойдаланинг:

- Қандайдир даҳшатли воқеа рўй бермасдан азобланиш вақт ва энергияни беҳуда сарфлаш демакдир.

- Ғолиблар ҳаётнинг қора кунларини яшаб ўтишда ўзларида куч ва ақл топилишини биладиган инсонлар.

- Фалокатлар — бу ҳаммасини бошдан бошлаш имконияти.

- Фалокатлар — ҳаётимизнинг муҳим таркибий қисми, гарчи уларни онгли равишда ахтариш мутлақо шарт бўлмаса-да. Рихард Бах шундай деган: “Ипак қурти учун ҳаётнинг охири бўлган нарса аслида капалакнинг туғилиш жараёнидир”.

ПОЗИТИВ ДУНЁҚАРАШ

Ғолиблар болаларга хос ишончга эга бўлишади. Масалан, улар аниқ ишонишадики, уларнинг ҳаётини юқорида — осмонда кимдир бошқармоқда ва ҳаётда ҳамма нарса маълум бир маънига эга. Тўғри, бу маъни бир қараганда кўзга ташланмайди, уни жуда узоқ вақт ахтариш керак бўлади.

Кимгадир бу дунёқараш жуда жўн кўриниши мумкин. Бироқ унга қарши қандай муқобил келтириш мумкин? Ҳеч бир тизимга бўйсунмасдан одамлар орасида тақсимланган омадсизлик ёки муваффақиятга шунчаки ишониб қўйиш керакми? Ўзини тасодиф қурбони ҳисоблаш ўрнига, ҳар бир нарсада қандайдир маъно ахтариб юрувчи инсон ўзини анча хотиржам ҳис қилади.

Бир томондан ғолиблар ҳар бир нарсадан чуқур маъно ахтаришади, бошқа томондан эса интиҳосиз коинот сарҳадларида ўзини қум зарраси деб ҳисоблайди. Олам уларнинг атрофида айланмаётганини жуда яхши билишади. Уларнинг жамики орзулари, кўрқувлари ва фалокатлар — бу шунчаки Оламнинг билинар-билинемас инъикоси эканлигини билишади. Улар ҳаётга ўйин каби муносабатда бўлишади. Бундай ўйинда хатолар жуда муҳим аҳамиятга эга бўлмайди. Агар сиз ютказган бўлсангиз ҳам, исталган вақтда янги ўйинни бошлашингиз мумкин.

Бир қараганда юқоридаги фикрлар бир-бирига зиддек кўриниши мумкин, йўқ, аслида ундай эмас. Агар ҳаётга ўйин сифатида қаралса ва шу вақтнинг ўзида ундан чуқур маъно ахтарилса бундай ёндашув маълум бир енгилтаклик ва бир вақтнинг ўзида фикр соғломлигини бирлаштиради. Бу бизга ўз кўрқувларимизни ўта жиддий қабул қилмасликда асқотади.

Содир бўлаётган ҳодисада чуқур маъно борлигига ишониш эса, ўз навбатида, ўз-ўзимизга ишончни мустаҳкамлайди. Маъно ахтариш ҳаётда юзакиликдан қочишда ёрдам беради.

Медалнинг икки томони ана шундай ва уларнинг бири иккинчисиз мавжуд эмас. Жиддийлик ва ўйин бир-бирини яхши тўлдиради. Ҳаётда ўйин аксини кўрган ва шу вақтнинг ўзида ундан маъно ахтариш билан банд инсон жамики мавжуд кўркувлардан кўпам хайкиб ўтирмайди.

АМАЛИЙ МАШҚЛАР

Бугундан бошлаб мен кўркувларимни енгишни ўрганаман. Бунинг учун куйидагиларни бажаришим керак бўлади.

1. Мени кўрқув ўз домига тортаётганини сезганим заҳоти уни енгишимда ёрдам берадиган ўнта амалий маслаҳатни ўқишга тутинаман.

2. Мен ўзимда мамнунлик туйғусини уйғотувчи камида бешта нарсани ёзиб оламан. Мен сурункали кўрқув ўз-ўзидан пайдо бўлмаслигини, у менинг атрофдаги оламга муносабатимга боғлиқлигини биламан. Исталган онда мен уни мамнунлик ҳисси билан бўғиб қўйишим мумкин.

3. Бугундан бошлаб мен кўрқувга бошқача муносабатда бўламан. Мен уни муваффақият учун фойдали рағбат сифатида қабул қиламан. Енгилгина кўрқув ҳисси менга етарлик куч сарфлаётганим ва ўсаётганимни намойиш қилиб туради. Агар мен навбатдаги қадам олдидан кўрқув ҳиссини туймасам, демак бу қадам мен учун жуда кичик.

4. Бугундан бошлаб мен ўзимга, ўз истакларим ва кўркувларимга у қадар жиддий муносабатда бўлмайман. Чунки мен жуда улкан бир бутунликнинг арзимас қисмиман.

24-ҚОНУН. ЎЗИНГИЗНИНГ КУЧЛИ ТОМОНИНГИЗГА ТАЯНИНГ

Бир дарахт ўзининг кичиклиги, қийшиқлиги ва хунуклигидан жуда азият чекар экан. Унинг ён-атрофидаги дарахтларнинг барчаси баланд ва кўркам экан. Дарахт улар каби бўлишни, шохлари узра шамол эсиб туришини истар экан.

Бироқ ўша дарахт жарлик ёқасида ўсар экан. Унинг илдизи тошлар орасида тўпланиб қолган қўним топган экан. Унинг шохлари узра этни жунжуктирувчи шамол эсар, Қуёш эса унга эрта тонгда бир кўриниш бериб, чошгоҳдан сўнг қоя ортига ўтиб кетар экан. Дарахтда бундан ортиқ ўсиш учун имконият йўқ ва у ўзининг шум тақдирини қарғар экан.

Бироқ кунларнинг бирида, эрта тонгда, Қуёшнинг заррин нурлар етиб келган паллада у пастда ястаниб ётган водийга назар ташлаб, ҳаёти ўзи ўйлаганчалик ёмон эмаслигини англабди. Унинг кўз ўнгида ажойиб манзара пайдо бўлибди. Ундан пастроқда ўсаётган дарахтларнинг бирортаси бу гўзал манзаранинг ўндан бир қисмини ҳам кўра олмас эдилар. Боши узра жарлик қоясининг бўртиб тургани уни қор ва муздан асарар экан. Ўзининг қийшиқ танаси ва беўхшов кўринса-да, мустаҳкам шохлари бўлмаса дарахт бу жойда бир лаҳза тура олмаслигини англабди. У шу ерда ўсаётган барча дарахтлар сингари такрорланмас кўриниш ва ўз ўрнига эга эди. У ўзига хос дарахт эди ва бу унга кўплаб устунликларни берарди.

* * *

Ҳар бир инсон ўзида мавжуд қобилият ва сифатлар билан яшашни шрганиши керак. Асосий диққат бизда бор бўлган ва биз тушунадиган, қила оладиганнарсаларга қаратилиши керак. Афсуски жуда кўпчилик инсонлар ўзида йўқ, тушунмайдиган ва қила олмайдиган нарсаларга диққат-эътиборларини сарфлашади.

БЕЪМАНИ ОРЗУЛАР

Кўпчилик одамлар «агар қобилият ва истейдодим озгина кўпроқ бўлганда яшашим анча осонлашарди», деб ўйлашади. Масалан, табиатан касалманд инсон агар соғлигим яхши бўлганда ҳаётим анча енгил бўларди, деб ўйлайди. Бироқ соғлиги қандай бўлса шундай.

Ёлғиз она фарзандибилан кўпроқ бўлишни истайди. Бироқ бунинг учун унга вақт етишмайди - ишлаши керак.

Агар овозингиз ширали бўлса ёки бирор бадий иқтидорга эга бўлсангиз яхшироқ яшаган бўлар эдим деб ўйлайсизми? Менимча йўқ. Ҳар бир мувоффақият учун тўлов бор. Бироқ асосий жиҳат шундан иборатки, биз ўзимизда бор қобилиятга эгамиз, холос.

Агар пулингиз кўпроқ, соғлигингиз мустаҳкам, суюкли ёрингиз бўлса ҳаётим яхши бўлиб кетар эди, деб ўйлайсизми, Йўқ, бу ҳолда сизда бошқа муаммолар пайдо бўлар эди.

ЎЗИНГИЗДА МАВЖУД НАРСАЛАРДАН ФОЙДАЛАНА ОЛИНГ

Табиат сизга ниманики ато этган бўлса, уни ўзгартириб бўлмайди. Бутун ҳаётингиз давомида баъзи инсонларда қобилият ва иқтидор бошқаларига нисбатан кўпроқ эканлигига амин бўлиб борасиз.

Бу ҳолатда адолатни талаб қилиш бемаънилик. Биринчидан, биз ўша инсонлар иқтидори учун нималар тўлаётганидан беҳабармиз. Иккинчидан, бизда ҳам бошқаларда бўлмаган иқтидор ва қобилият бор. Аслида қобилиятнинг роли унчалик муҳим эмас. Муҳими - биз ўзимизда мавжуд нарсалардан қандай фойдаланаётганимизда.

Сиз куни бўйи уйдан чиқмай янги қобилиятлар ҳақида орзу қилишингиз мумкин, бироқ бу ҳаётингизни заррача ўзгартирмайди. Покер ўйинини олайлик. Ушбу киморда картада омади келган киши фақат қисқа муддатли мувоффақиятдан умид қила олади, холос. Чунки алал-оқибат, яхши ўйнаган, ўйинни пухта ўзлаштирган ва унинг барча нозик тарафларини ўрганган инсон ғолиб бўлади.

Агар сизда бошқаларда мавжуд иқтидор бўлмаса, шунчаки ўзингизга бошқа ҳаёт йўлини танлашингиз керак.

Бир ўқувчи мактабда сира инглиз тилини ўзлаштира олмас экан. Шунчаки унга мактабда чет тилларни ўргатиш методикси тўғри келмасди. У синфда ўзлаштириш бўйича энг қолақ ҳисобланар, бошқаларга ҳасад қилар экан. Шундан сўнг у бир неча йил АҚШда яшашга мажбур бўлибди. Энди эса у инглиз тилини барча синфдошларидан яхшироқ билади.

Гап фақат қобилиятда ҳам эмас. Ундан қандай фойдаланаётганимиз янада муҳимроқ саналади.

МЕҲНАТСЕВАРЛИК ҚОБИЛИЯТДАН МУҲИМРОҚ

Атрофингиздагиларнинг иқтидорини ўта илоҳийлаштириб юбориш ҳам ярамайди. Ахир биз уларнинг мувоффақиятининг қайси қисми иқтидорига, қайси қисми тинимсиз меҳнат қилганига тўғри келишини ҳеч қачон аниқ билмаймиз. Барча ғолибларни бир нарса бирлаштиради: ҳар қандай юксак натижа - биринчи навбатда меҳнат самарасидир. Жуда кўпчилик бу фикрга қўшилмайди, чунки бу уларнинг асосий кўзири «Иқтидор бўлмаса, уриниб нима қилдим?»дан маҳрум этади.

Сиз қўлингизга тушган карталардан қатъий назар, тишингиз мумкин. Эҳтимол, бунинг учун кўпроқ кўп вақт талаб этилар, керагидан ортиқча терларсиз. Бироқ сизда қатъият ва сабот ўлса мақсадга элтувчи йўл ҳар доим ҳам топилади. Агар бу йўлда тўсиқлар пайдо бўладиган бўлса, сиз уларни синдиришингиз, остидан сирғалиб ёки устидан ҳатлаб ўтишингиз мумкин. Қартада омад келишига таяниб иш кўрадиганлар эсадастлабки муаммо олдида мулзам бўлиб қолишадива яна «омадли карталар»ни кута бошлайди.

Пайдо бўлган вазиятга эътибор бермасдан, ишни ҳозир ўзингиз турган жойдан бошланг. Нима қилишингиздан қатъий назар, ҳар куни кечагидан озгина яхшироқ бўлса-да, натижага эришишга ҳаракат қилинг. Қадамма қадам. Вазият яхши томонга ўзгаришини кутиб ўтирманг. Ўзингиз ўзингизга керакли вазиятни яратинг.

КУЧЛИ ВА ОЖИЗ ТОМОНЛАР

Ҳар қандай кучли ва ожиз томонлари бўлади. Кўпчилик ўзининг кучсиз трафига эътибор беради ва омадсизлигининг сабабини ўшанда деб билишади. Бунда йинсонлар учун яхши янгиликимиз бор: шахснинг кучсиз томонинг мувоффақиятга мутлақо аҳамияти йўқ. Энг яхши атиргул бутаси - тиканлари кўпи эмас, энг чиройли гуллардан ташкил топганидир. Ҳали ҳеч ким нуқсонларидан қутилгани учун бойиб кетмаган. Сиз аста-секин энгишни уддалаётган нуқсонларингиз эмас, эътиборга молик жиҳатларингиз сизни бой қилади.

Агар қандайдир нуқсонингиз устидан ғолиб чиққан бўлсангиз, хўш, бу билан нимага эришдингиз? Битта нуқсонингиз камайганидан бошқа ҳеч нарсага. Бундан сизнинг мувоффақиятингиз ҳам, пулингиз ҳам ортмайди. Токи шахсиятингизнинг кучли томонини ривожлантирмас экансиз, Уртача инсонлигингизча қолаверасиз. Фақат шу сизга бойлик ва мувоффақият келтириши мумкин.

Ўз нуқсонларингиз бораси кўпам қайғураверманг. Жуда кўпчилик инсонлар шунга ўхшаш нуқсонларга эга ва дуппа-дуруст яшамақда. Албатта, кучсиз томонларингизга бутунлай кўз юмиб қўйиш ҳам ярамайди, акс ҳолда улар мувоффақиятга эришишингизда ҳалақит беради. Бироқ сиз ҳар доим ечим топа олишингиз мумкин. Агар бухгалтерлик ҳисобларига тушунмасангиз, яхши бухгалтер ёлланг. Сиз ўзингизнинг ожиз томонларингизни ўзингизга янги йўл танлаш, шу соҳада кучли билимга эга бўлган инсонлар билан ҳамкор, муштарак бўлиш учун имконият сифатида қабул қилишингиз керак.

Кучли томонингизга диққатингизни жамлаб, иложи борича уни ривожлантириг. Шундай мувоффақиятларга эришган инсонларни топинг. Улар билан бирлашинг ва улардан ўрганинг.

ИШЛАРИНГИЗ БУТУН УМР СИЗГА ЙЎЛДОШ БЎЛАДИ

Вақт ўтиб, сиз тушиб қолган вазиятларнинг жуда кўпи сизнинг виждонингизга ҳавола эканлигини англайсиз. Бу ҳам ёқимли, ҳам ёқимсиз вазиятларга таалуқли. Ҳаммаси уларнинг уйғунлиги ва ният қилинаётган истиқболга боғлиқ. Эҳтимол, вақт ўтиб сизнинг хатоларингиз ва мағлубиятларингиз қандайдир маъно касб этар. Бу ерда ҳам ҳолат қарта ўйинидагидек. Шунчаки олинган қарта ёмон ҳам яхши ҳам бўлмаслиги мумкин. Бироқ кўлингиздаги бир неча қарта ютишингиз ёки ютқазинингизни белгилаб бериши мумкин.

Агар сиз ҳаётингизда бирор нарсани ўзгартиришга қодир бўлсангиз, буни қилинг. Баъзи нарсаларни тезда ўзгартириб бўлмас, эҳтимол ҳеч қачон ўзгартиролмасиз. Бу фактни ёдда тутинг. Асосийси - бир шароитдан бошқасини фарқлашни ўрганасиз. Бир қарашда «фойдасиз» кўринган вазият ортида яширин устунликларни илғаб олишга ҳаракат қилинг. Кўпчилик узоқ вақт кулиб масҳара қилган куни келиб сизнинг кўзирингизга айланиша мумкин.

ЎЗИНГИЗНИ БОШҚАЛАРГА СОЛИШТИРМАНГ

Биз доим ўзимизни атрофдагилар иблан солиштирамиз - гўёки бу уларнинг фониди яхшироқ кўринишимизга ёрдам берадигандек. Бундай таққослаш давомиди кимдандир нимададир ортда, бошқалардан нимададир устун эканлигимизни аниқлаймиз. Унимининг ҳам, бунисининг ҳам бизга ҳеч қандай нафи йўқ.

Агар биз ўша устунлигимизни пайқасак, биз ўз мувоффақиятимиз сифатида талқин қиламиз. Бироқ бунда ўта баҳсталаб мезондан фойдаланамиз. Биз ўзимизни молиштираётган инсон балки шунчаки ривожланишдан тўхтагандир. Бундай ҳолатда биз бошқаларнинг мувоффақиятсизлиги ортига беркинган бўламиз.

Агар бошқа инсонга таққослашда ютқазсак ҳам бу бизга фойда бермайди. Фаолиятнинг у ёки бу жаҳҳасиди биздан устунроқ бўлган инсонни исталган вақтда ҳам топиш мумкин. Бу ҳолатда биз ўзимизга ишонч ва қатъиятни йўқотишимиз мумкин. Агар

Биз диққатни фақат ўзимизга қаратсак, бу бизга ўзимизга хослигимизни тушунишда ёрдам беради. ШУ сабабли ҳар ўндай солиштириш маънога эга эмас. Ўзимизни фақат ўз мезонимиз бўйича баҳолашимиз мумкин. Биз ўзимизни ўшандек бўлишни истаган ва ўшандек бўла оладиган инсон билан таққослашимиз керак.

ТАКРОРЛАНМАСЛИК

Бошқа сизга ўхшаган инсон йўқ. Ҳаёт йўлингизда ҳам сиз ечишингиз лозим бўлган масалаларга айнан ўхшаш мақсадли инсон учрамайди. Сизнинг ўзингизга хослигингиз шахсий тажрибангиз ва қобилятингиз уйғунлигида намоён бўлади. Сиз эътироз билдиришингиз мумкин: «Швақтгача қилган ишларимнинг барчасини бошқалар ҳам қилиши мумкинэди», деб. Биринчидан, бунинг эҳтимоли кам. Асосийси, бу ишни сиз уддалагансиз! Айнан сиз, бошўа киши эмас. Ҳар доим ана шундай бўлиб қолади.

Ҳеч қандай инсон ҳаётда сизнинг ўрнингизни эгаллай олмайди. Ўзингизни бошқаларга камроқ солиштириб, ўзингизга диққатингизни кўпроқ жамласангиз ўзингизга хослигингиз янада равшанлашади ва бундан келиб чиқадиган устунликлар яққол кўзга ташланади. Сизда бошқа инсонга хос фазилат пайдо бўлишига тилақдошмасмиз. Яхшиси ўзингизнинг кучли томонларингизни ривожлантиринг.

Сиз ўзингизни бошқа инсонлар билан таққослаганингизда кўпинча ҳасад ва рашк каби салбий туғулар пайдо бўлади.

ҲАСАД

Нимадандир атрофингиздаги инсонлардан ортда қолаётганингизни ҳис қилиш ҳасад туғилишига сабаб бўлиши мумкин. Шундай қилиб, бу туйғунинг пайдо бўлиши ўз-ўзингизга ишончингиз сустлиги ҳам сабаб бўлади. Ўзининг зарар ёқасида эканлигини тушунувчи инсон ўз наздида ўзига нисбатан баландроқ даражада турувчи инсон билан мулоқотга киришишга интилади.

Бироқ турли даражада турувчи инсонлар мулоқотга киришишининг икки йўли бор. Ё сиздан сиздан баланд турувчи инсон даражасига чиқиб боришингиз керак, ёки уни ортга тортиб ўз даражангизга тушириб олишингиз керак. Ёки биз атрофдаги баланд биноларнинг ҳаммасини бузамиз, ёки ўзимиз баланд қилиб қурамиз. Ўзининг юқорироқ даражагача ўсишига ишонмаган инсонлар турли тухмат ва нуқсонлар билан атрофдагиларнинг обрўсини тушуришга ҳаракат қилишади. Ҳасаднинг энг ёмон жиҳати - мувоффақият қозонаётган инсоннинг ғилдирагига чўп тикишда эмас - ҳасадгўй ўзини яхшироқ бўлиш имкониятидан маҳрум қилишдадир. Ўз даражасидан воз кечиб юқорироқ даражага интилиш ўрнига улар атрофдагиларни ўз даражасига тушуриш учун бор энергияларини сарфлашади.

РАШК

Ҳаддан зиёд рашк - инсоннинг ўзидан, ўз кучидан шубҳаланишининг бир кўриниши ҳисобланади. Бу туйғу ҳам ҳасад сингари ўзини бошқалар билан солиштиришда пайдо бўлади. Жуда кўп оилаларда эр-хотинлар жуда кўнгилсиз рашк саҳналарини кўйиб беришади. Бунда энг фожеалиси - эр рафиқасида ўз шахсига нисбатан қизиқиш, майл ўйғотиш ўрнига энергиясини аёлининг эркинликларини чегаралашга сарфлайди. Эртами-кечми хотин бу нарса эрнинг ожизлиги белгиси эканлигини англайди. Натижада, рашк аслида курашилиши керак бўлган нарсага олиб боради. У эр-хотинни бир-биридан ажратади.

Рашк - ҳақиқий муҳаббатнинг яққол белгиси, деген хато фикр мавжуд. Бу нотўғри. Кўрқинч ва тобелик бўлган жойда асл муҳаббатга ўрин йўқ. Муҳаббат - эркинлик туғусини бахш этади, рашк эса қўл-оёқни боғлаш, бўғиш дегани.

Рашк дардига мубтало бўлган инсон бошқа инсоннинг унга бўлган муносабатидан ўз-ўзига ишонччи мустаҳкамлайди. У ўзининг муҳим одамлигини ҳис қилиши учун қай

йўл билан бўлса-да, бошқа инсонни камситиши керак бўлади. Шу вақининг ўзида у ҳамкори ундан юз ўгириши мумкинлигидан кўрқади ва жамики усуллар билан унга ёпишиб олади.

Кўнглининг туб-тубидан ўзининг тўлақонли эмаслигини англаб, ўзидан жирканиши ва бу жирканишни атрофдаги одамларга ҳам «юктириши» мумкин. Шунинг учун, наркоман доим наркотик истагида бўлганидек, рашкчи ҳам ўзида бу ҳалокатли туйғуни қувватлантириб турувчи баҳоналар ахтараверади. Агар ҳасадси бадавлат инсоннинг касод бўлишини истаса, рашкчи ўзининг ҳам ўзи севаман деб ҳисоблайдиган инсоннинг ҳаётини ҳам ҳаётини вайрон қилади.

Албатта, сизнинг ишончингизни суистеъмол қилиб, сизга хиёнат қилувчи инсонлар ҳам учраб туради. Бироқ, уларни олдингизда куч билан ушлаб туриш ҳеч қандай яхши натижаларга олиб келмайди. Агар инсонлар бир-бирларига тўғри келишмаса, ўзаро заруриятларини қониқтира олишмаса, уларнинг ажрашганлари маъқул. На сизни, на ўзини қадрловчи инсоннинг эркинлигини чегаралашга уриниб, ўзингизни ерга уриш шартмикан?

Рашкчининг туйғуларни тушунишга уриниш, унинг талабларига кўниш бемаънилик. Фақат унинг ўзигина ўзини даволай олади. Рашк дардига мубтало бўлган инсон ўзининг кучли жиҳатларига диққатини жамлашни ўрганиши керак.

қачонки у ўз фазилатлари ва потенциални англасагина шукроналик, бахт ва осудаликка эришиши мумкин. Унинг кўнглида рашк учун ўрин ҳам қолмайди.

Эҳтимол, сиз ўзингиз тушиб қолган вазиятни бирданига ўзгартиришга қодир эмассиз. Бироқ, қулайроқ вақт келишини кутиб, вақи ва энергияни беҳуда сарфламанг. Шундай нарсалар борки, сиз уни ўзгартира олмайсиз, чунки улар сизнинг назоратингиздан ташқарида. Унда уларга куч сарфламанг. Куч-қувватингизни назорат қила олигшингиз мумкин нарсаларга йўналтиринг. Ғолиблар ҳаётларини фақат кўлларида бор бўлган бўёқларга бўяшади. Бироқ улар буни усталик билан қилишади.

АМАЛИЙ МАШҚЛАР

Бугун мен ўз шахсиятимнинг кучли томонларини ривожлантириш учун ҳаракатни бошламан. Бунинг учун менга қуйидагилар керак бўлади:

1. Мен ўз мувоффақиятларим фақат иқтидорга эмас, ундан қандай фойдаланаётганимга кўпроқ боғлиқ эканлигини тушундим. Мен ҳеч қачон тақдир менга хайрихоҳ эмаслигидан шикоят қилмайман.

2. Мен ўз шахсиятимнинг барча кучли ва ожиз томонлари иўйхатини тузаман. Нуқсонларга келсак, мен уларни йўқ қилиш йўлини топаман. Бироқ асосий эътиборни ўзимнинг кучли жиҳатларимни ривожлантиришга қаратаман ва бу йўлда манга нафи тегадиган инсонларни атрофимда тўплайман.

3. Мен ўз ҳаётимни таҳлил қилиб, унда нимани ўзгартириш мумкинлиги ҳақида ўйлайман. Кейин ўз режамни тузаман. Унда белгиланган тадбирларни кейинга силтамасдан, дарҳол бажаришга киришаман. 4. Мен ўзгартиришга қодир бўлмаган вазиятларни ёдда тутаман. Агар бугун ёмғир ёғмса, мен хушчақчақ жилмайишда давом этаман. Чунки афтимни бужмайтириб олганим билан ёмғир тўхтаб қолмайди.

5. Рашкчи ва ҳасадгўй эканлигим қай даражада эканлигини текшириб кўраман. Бу туйғуларни юракдан юлиб олиб ташлаб бўлмайди, лекин ў потенциалим ва ўзига хослигимга эътиборни кучайтириб, уларни чеккага сиқиш мумкин. Нега мен такрорланмас эканлигим хусусидаги саволга ёзма жавоб қайтараман.

25-ҚОНУН. БЕРИШ ВА КЕЧИРИШНИ ЎРГАНИНГ

Тоғлар орасида бир аёл кўп йиллардан буён ёлғиз яшар экан. Кунларнинг бирида у жилға қирғоғидан қимматбаҳо тош топиб олибди. Орадан кўп вақт ўтмай унга қорни оч

йўловчи учраб қолибди. Аёл унга бир-икки бўлак нон бериш илинжида ўраб олиб кўйилган дастурхонини очаётганда йўловчи бояги тошни кўриб қолибди. У ҳеч қачон бундай чиройли тошни кўрмаган экан, шу сабабли тошдан кўзини уза олмай қолибди. Буни сезиб қолган аёл унга тошни совға қилишга қарор қилибди.

Кўп ўтмай, йўловчи яна йўлга отланибди. У бояги тошни сотса, унинг пулига умрининг охиригача фаровон ҳаёт кечиршини биларди.

Бироқ бир неча кундан сўнг у ортига қайтибди. Аёлни қийнала-қийнала топгач, унга қимматбаҳо тошни қайтарибди ва дебди: «Йўлда кўп нарсалар ҳақида ўйладим. Биламан, бу тошни яхшигина пуллаш мумкин. Бироқ, бу тошни қайтариб, сендан бундан ҳам қимматлироқ нарсани олмоқчиман. Мен ҳам худди сеникидек — мана шундай тухфалар қилишга изн берадиган — юракка эга бўлмоқчиман».

* * *

Аксарият инсонлар ўз ҳаётий мақсадини бойлик ва тўкин-сочинликда деб билишади. Бироқ, улар «тўкин-сочинлик» сўзининг асл маъносини етарлича англашмайди. Унинг маъноси шундан иборатки, бойликни доим қўлда маҳкам ушлаб туриб бўлмайди. Уни бўлишиш керак.

АТРОФИМИЗДАГИ БАРЧА НАРСА — ЭНЕРГИЯ. ЭНЕРГИЯ ЭСА ҲАРАКАТДА МАВЖУДДИР

Ҳеч нарса бутунлай осойишта ҳолатда бўла олмайди. Бизнинг танамиз ва Олам доимий ҳаракатда ва ўзаро энергия алмашинади. Агар бу боғлиқлик бузилса, ҳаёт ҳам тугайди. Ҳаёт — бу энергия оқими. Унинг қандайдир қисми бизга келади, яна қай бир қисми кетади. Асосий ҳаётий принцип «олиш ва бериш» сўзларида мужассамдир. Моҳиятан, бу Оламда энергия алмашинувини тасвирловчи жараённинг худди ўзгинасидир.

Токи энергия алмашинуви бор экан, ҳаёт давом этади. Кимки бу оқимни бузишга уринса, табиат қонунларини бузмоқчи бўлади. Қанчалик кўп берсак, ҳаётимиз шунчалик тўлақонли ва жадал бўлади.

Инсонлар ўртасидаги муносабатлар ҳам доимий алмашинувга бориб тақалади. Қанчалик кўп берсак, шунчалик кўп оламиз. Ҳаётнинг қонуни шундай, берилган барча нарса юз чандон бўлиб қайтади. Инсонлар ўртасидаги ўзаро алмашинув қанчалик жадал бўлса, уларнинг муносабатлари шунчалик мустаҳкам бўлади.

Ҳаётда оддий қонун амал қилади: агар шодланишни истасангиз, аввал инсонларга шодлик улашишингиз керак. Агар севилишни истасангиз, аввал ўзингиз севишни ўрганинг. Агар сизга эътибор зарур бўлса, аввал атрофингиздагиларга эътибор қилинг. Агар моддий фаровонликка эришиш истагида бўлсангиз, бошқаларга бунга эришишда ёрдам беринг. Бойликка эришишнинг энг осон йўли — бошқаларга муҳтож бўлган нарсасини олишда кўмаклашишдир.

ИНСОНЛАРГА ЯХШИЛИК ТИЛАНГ

Агар ҳаёт сизга ғамхўр бўлишини истасангиз, атрофингиздагиларга ғамхўр бўлиб, уларни дуо қилинг. Дуо қилиш — бу жуда қадимий одат. Қадимдан саёҳатга чиққанларга дуо берилган, дастурхон устида дуо ўқилган, оилага ва дўстларга дуо берилган. Баъзи халқларда ота-онанинг дуоси меросдан ҳам улуғроқ қабул қилинган.

Кимгадир бу удум эскилик сарқити бўлиб кўринар, баъзилар эса унга фақат диний тус берар. Агар атрофимизни ўраб турган олам фақат энергиядан ташкил топган экан, бизнинг истакларимиз ҳам унинг маълум бир захираси саналади. Истакларимизнинг ҳар бири рўёбга чиқиши мумкин. Шу сабабли, йўлингизда учраган ҳар қандай инсонга яхшилик тиланг. Унга ичингизда шодлик, бахт, фаровонлик ва саломатлик тиланг. Унга ҳаётида бахтли кунлар кўп бўлишини тиланг!

Шунда сиз ўзингизнинг ижобий энергиянгиз сизни ўраб турган оламни яхши томонга ўзгартиришга қодир эканини сеза бошлайсиз. Инсонлар сизни янада яхшироқ қарши ола бошлашади, чунки улар сизнинг олдингизда ўзларини яхшироқ ҳис қила бошлашади. Атрофингиздагилар сиз уларга сидқидилдан яхшилик тилаётганингизни дарҳол тушунишади. Сизнинг эзгу туйғуларингиз ва ниятларингиз юз чандон бўлиб қайтади.

СОВҒА БЕРИШ — АЖОЙИБ ОДАТ

Олдингизга келган ёки ҳузурига бораётган инсонингизга совға беришни одатга айлантириб олсангиз яхши бўларди. Совға ҳар қандай нарса бўлиш мумкин — гул ёки откритка, бир вароқ қоғозга ёзилган ҳикматли сўз ёки шеър, унга нафи тегиши мумкин бўлган инсоннинг китоби ёки манзили...

Кимнингдир ҳузурига борганда унга нимадир, бу яхши тилак ёки хушомад сўз бўлиши мумкин, бериш ёмон ғоями? Ахир шундай оддийгина йўл билан сиз у ҳақда ўйлаётганингиз ва қайғураётганингизни намоёиш қиласиз-ку?! Энг мароқли суҳбатлар: «Сиз ҳақингизда ўйлаб турувдим. Сизга қандай ёрдам беришим мумкин», деган сўзлар билан бошланади.

Мулоқотга киришаётган инсонингизга албатта бирор нарса совға қиламан, деб ўзингизга ваъда беринг. Олганингиз берганингиздан зиёда бўлади, албата. Қанчалик кўп олсангиз, бериш истангизгиз янада кучаяверади.

КЕЧИРИШ

Кечириш — бу бериш ва бўлишиш маҳоратининг энг олий кўринишидир. Бу инсоннинг энг олий руҳий камолотга етишиши учун калитдир. Ҳеч нарса бошқа инсонга нисбатан жаҳл, араз, гина-кудурат ва интиқом тўплашдек энергия оқимига тўсиқ бўла олмайди.

Бундай салбий ҳиссиётлар бизни шодлик ва осойишталикдан маҳрум этади, шунингдек руҳият билан боғлиқ касалликларнинг сабаби ҳам ҳисобланади. Салбий ҳиссиётлар ижобий ҳиссиётлардек моддийлашиш хусусиятига эга. Улар аввало ўзимизга қаратилган бўлиб, бизни саломатлигимизнинг йўқотилишига, умримизнинг қисқаришига сабаб бўлади.

Кечириш ҳар доим ҳам осон эмас — бунда жаҳлланиш сабаби муҳим рол ўйнайди. Бирок, жаҳл ва нафрат исканжасида яшагандан кўра тўлақонли ҳаёт кечирган афзалроқ. Биз ҳамма — ўзимиз, ота-онамиз, рафиқ(а)миз ва бошқа инсонларнинг ҳамма нарсасини кечиришимиз керак.

ЎЗИНГИЗНИ КЕЧИРИНГ

Биз ўзимизнинг хатоларимиз ва аҳмоқлигимизни кечиришимиз керак. Келинг, мукамалликдан узоқ эканлигимиз ва ҳеч қачон ундай бўла олмаслигимизни унутмайлик. Биз доим хатоларга йўл қўямиз. Бунинг ҳеч ёмон томони йўқ. Агар биз ўз хатоларимиздан жаҳлланмасак, улардан хулоса чиқариб, ўсишимиз мумкин.

Агар биз ўзимизни кечира олмасак, хатолар қўлларимизни бутунлай боғлаб ташлаши мумкин. Ахир шу тахлит тақдири синган инсонлар сон мингта-ку?!

Инсоннинг қилган ишларидан сурункали афсусланиши ва ўз-ўзидан қоникмаслиги — бу характер бўшлигининг белгисидир. Агар инсон тавба қилса, у бу фактни ўзининг ҳаракатсизлигига «хатоларим туфайли мен муваффақиятга эриша олмадим, бироқ мен бундан жуда афсусланаман, демак мен ёмон инсон эмасман» принципи бўйича баҳона қилиб олади.

Ўз-ўзингизга нисбатан ёмон хотираларнинг сақланиши сизни асло бахтли қила олмайди. Ўтган йилларнинг хатолари бугунги кунингизга таъсир қилишига йўл қўймаслигингиз керак. Ўзингизни кечиришингиз ва хатоларингизда фақатгина уларнинг

асл моҳияти — улғаяётганингизнинг таркибий қисмини кўришингиз керак. Бу хатоларсиз бугун сиз сиз бўлмасдингиз.

ОТА-ОНАНГИЗНИ КЕЧИРИНГ

Айрим инсонлар ота-онасини кечириш олишмайди. Натижада фарзандлар узоқ йиллар давомида ота-оналаридан кўрган адолатсизлик, кўполлик ва қаттиққўлликдан азият чекишади. Умрбод хафалик — биз энди ўзгартира олмайдиган нарса учун дахшатли баҳо саналади.

Бу ерда яна бир муҳим жиҳат бор. Фақатгина ота-онамизни кечириш олгандан сўнггина биз ўзимизни тўла-тўқис улғайган инсон ҳисоблай оламиз. Бунгача биз болалигимизча қоламиз, чунки уларга ва уларнинг бизга бўлган ҳаракатларига боғлиқликни сақлаб қолаётган бўламиз. Ота-онамизни кечирибгина уларнинг таъсири остидан чиқамиз. Шундан сўнггина етук инсон ҳисобланамиз. Болаликдаги хафачиликларни унутиш керак. Бунинг энг осон йўли — ота-онамиз аслида бизга яхшилик тилаганини тушунишдир.

РАФИҚ(А)НГИЗНИ КЕЧИРИНГ, ИЛОЖИ БОРИЧА ТЕЗРОҚ

Миянғизда салбий фикрлар ва хафагарчиликлар учун жой бор экан, сиз ўтмишда яшайверасиз ва ҳозирги замоннинг барча гўзалликларидан қуруқ қоласиз. Хафагарчилик сақланар экан — муҳаббатга ўрин йўқ.

Агар эр-хотин бир-бирини дарҳол кечиришмаса бу аҳмоқгарчилик. Бу ҳолда муҳаббат кейинга сурилиб кетади. Нега? Кўпинча эр-хотинлардан бири иккинчисини дарҳол кечиришни истамайди, «у ҳамма нарсани тушуниши» ва олдинги хатоларини қайта такрорламаслиги учун. Зоҳиран у айни дамда кечиришга ўрин йўқдек кўринишни олади, чунки «хафалиги ҳали жуда янги». Бундай позиция бу вазиятда ҳаракатлантирувчи куч рафиқ(а)нинг айби эмас, фақат ўзимизнинг ҳис-туйғуларимиз эканлигини исботлайди.

Инсонлар кўпинча дарҳол кечириш — ўз обрўсини тушириш, деб баҳолашади. Бирок сеvimли инсонингизнинг муҳаббатини рад этиб турганингда қанақа обрў ҳақида гап бўлиши мумкин? Мустаҳкам алоқаларни бундай пойдеворда тиклаб бўлмайди. Аслида эса ҳаммаси бутунлай тескари: қанчалик тез кечирсак, шунчалик тез севилишимиз ва ҳаётдан баҳра олишда давом этишимиз мумкин.

Бир оқила аёл шундай деган экан: «Мен барибир қачондир уни кечириман. Нега унда бу ишни ҳозирроқ амалга оширмаслигим керак?». Бунинг учун суюкли инсонингизнинг яхши томонларини эсга олиш кифоя. Агар сиз унинг сизга ёқадиган ўн жиҳатини хотирангизда жонлантирсангиз, хафагарчилигингиз дарҳол сусаяди.

Албатта, кейинги биргаликдаги ҳаётингиз мақсадга мувофиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Бирок, ажралиб кетиш хавфи турганда ҳам бир-бирингизни иложи борида тезроқ кечиришингиз шарт.

БОШҚА ЖАМИ ИНСОНЛАРНИ КЕЧИРИНГ

Айби ва аҳмоқгарчилигидан қатъий назар, истисносиз ҳаммани кечириш. Ҳақиқий кечириш гарчи инъомнинг олий кўриниши бўлса-да, биринчи навбатда сизнинг манфаатингизга хизмат қилади. Ахир гап сиз кечириётган одамда эмас, сизнинг устингизда бормоқда. Кечириш сизнинг бахтингиз, муваффақиятингиз ва руҳий осойишталигингиз учун зарур. У сизнинг келажагингиз учун муҳим.

Сизга мутлақо алоқаси йўқ бўлган инсондан жаҳлланишдан баттар аҳмоқгарчилик бўлмаса керак. Чунки сиз ўз ҳаётингизни заҳарлаясиз, бояги инсон бундан мутлақо беҳабар бўлиши ҳам мумкин.

Ким узоқ вақт хафа бўлиб ва жаҳлланиб юрса ўз кучининг беҳуда сарфланишига сабаб бўлади. Айниқса у ёки бу инсон сизнинг муваффақиятсизлигингизда айбланган ҳолатда бу яққол намоён бўлади. Агар биз айбни кимнингдир зиммасига юкласак, унга ўз

хаётимиз устидан ҳукмронлик берамиз. Пайдо бўлган вазият учун масъулиятни атрофимиздагиларга юклаб, биз ўз кучимизни беркитамиз ва муваффақиятимизга тўсқинлик қиламиз.

АМАЛДА ФОЙДАЛАНИШ

Аввал инсонни кўнгилда кечириш керак. Сизни хафа ёки ҳақорат қилган инсонга самимий бахт тиланг. Хафалигингиз ёдга тушган заҳоти дарҳол у инсонни дуо қилинг ва бу хотиротлар сизни зумда тарк этади. Сиз шунингдек, у инсонга кўнғироқ қилиб, у билан шахсан суҳбатлашингиз ҳам мумкин. Бу ҳолатда мулоқотни чегараланг ва унга ўзини оқлашга йўл қўйиб берманг. Шунчаки, уни тамоман кечирганингизни айтинг.

Шунингдек, бўлиб ўтган воқеаларда бутун масъулиятни ўз зиммангизга олганингиз ҳақида унга хат ҳам ёзишингиз мумкин. Эҳтимол, у инсон сизга адолатсиз муносабатда бўлгандир, бироқ бу ҳодисани қандай қабул қилганингиз ва унга қандай муносабатда бўлганингиз сизгагина боғлиқ. Аввало, уни кечирганингиз ва унга жамики яхшиликларни тилашингизни англадинг.

Ғолиблар бериш ва кечириш санъатини пухта ўрганишган. Униси ҳам, буниси ҳам уларнинг руҳи покланишига хизмат қилади ва уларни самимий инсонларга айлантиради. Бериш кўникмаси ҳақиқий фаровонлик, бахт ва осойишталикка эга бўлиш учун замин яратади.

АМАЛИЙ МАШҚЛАР

Бугундан бошлаб мен ўзимда бериш ва кечириш кўникмасини ривожлантираман. Бунинг учун қуйидагиларни қилишга тайёрман:

1. Бугун мен учрашадиган, телефонда гаплашадиган, хаёлда ўйлайдиган ҳар қандай инсонга шодлик, бахт, муваффақият ва саломатлик тилайман. Мен унга ўзимнинг ижобий энергиямдан улашаман.

2. Бугун мен ҳузурига отланган ҳар бир инсонга совға қиламан. Бу қандайдир нарса, яхши тилак, хушомад сўз ёки фойдали ғоя бўлиши мумкин. Буларнинг барчаси мен унинг фаровон ҳаёт кечиришидан манфаатдор эканлигимни намойиш этади.

3. Бугун мен ўзимнинг севимли инсонимга ноодатий ва пухта ўйланган совғани топшираман. Буни мен унинг хурсанд бўлганини кўриб шодланишим учунгина қиламан.

4. Бугун мен ҳаммани кечираман. Аввало, бу ўз-ўзимга совға бўлади. Мен гина сақлаётган инсонларнинг барчасини кечираман. Мен уларни самимий ва чин юракдан кечираман. Бугуноқ мен унга кўнғироқ қиламан ёки хат ёзаман. Бугундан бошлаб ҳеч кимга нисбатан салбий ҳис туймайман. Қайтага, мен бундай ҳислардан қутиламан.

26-ҚОНУН. ПУЛГА ОҚИЛОНА МУНОСАБАТДА БЎЛИНГ

Кунларнинг бирида қашшоқ дехқоннинг товуғи тилла тухум туғибди. Дехқон аввалига биров ҳазиллашган деб ўйлабди. Лекин ҳар эҳтимолга қарши тухумни заргар ҳузурига элтибди. Заргар тухум асил тилладан эканлигини тасдиқлабди.

Дехқон тухумни катта пулга сотибди. Кечқурун у катта базм уюштирибди. Эртаси куни у оила аъзолари билан товук яна тилла тухум туғдимикан, дея катакка йўл олишибди. Қарашса — ҳақиқатан ҳам товук яна битта тилла тухум босиб ётибди. Бу ҳолат бир неча кун давом этибди.

Дехқон аввалига ўз бахтига ишонмабди. Кейин эса унинг нафси ҳакалак отибди. Унга кунига битта тилла тухум камлик қила бошлабди. У катакка бориб, товукни сўйиб ҳамма тухумга бира тўла эгалик қилмоқчи бўлибди. Бироқ, товук танасидан нўхатдек келадиган ҳали ҳомила ҳолатидаги тухумга дуч келибди, холос.

Бу масалдан мурод: тилла тухум туғаётган товукни сўймаслик керак.

* * *

Фаровонлик — бу сизга туғилганигдаёқ берилган ҳуқуқдир. Ҳали ҳеч қачон бизнинг замонамиздагидек бойиш осон бўлмаган. Сиз сўрашингиз мумкин: «Унда нега ҳамма инсон бой эмас?» деб. Бу саволнинг жавоби жуда оддий: инсонларнинг кўпчилиги тилла тухум қўювчи товукни сўйишади.

Бизнинг бугунги сабоғимизда товук — капитал, тухум эса ундан олинадиган фоиз тушунилади. Капиталсиз ҳеч қанақа фоизлар бўлмайди. Кўпчилик инсонлар қўлларида бор бўлган пулларнинг ҳаммасини сарфлаб юборишади. Баъзилар эса ўзларида мавжуд пулдан ҳам кўпроқ ишлатиб юбориб, қарзга ботишади. Бундай йўл билан товук ўстириб бўлмайди. Улар уни жўжалигидаёқ, ҳали тухум қўйишга қодир бўлмаган пайтлардаёқ ўлдириб юборишади.

ЭСКИ ҲАҚИҚАТЛАР ЎРНИГА АЙЁРОНА СТРАТЕГИЯ ТУЗАМИЗ

Фаровонлик асослари етарли даражада тушунарлидир. Бунинг учун олаётганингизга нисбатан камроқ харажат қилиш керак. Ортиқча пулларни бир нарса олишга харжлаш ёки товук ўстириш учун иқтисод қилиш мумкин.

Шуни тан олиш керакки, биз хоҳлаган нарсаларнинг ҳаммаси ҳам бизга керак эмас. Бироқ бу ҳолда ўз олдимизда ростгўй бўлишимиз керак. Бизга ҳақиқатда нима керак ўзи? Кўпчилигимизда харжланмаган пуллар қолади. Савол уларга қандай муносабатда бўлишдадир. Пулларни мебель, автомобиль, саёҳатлар, кўнгилочар нарсаларга сарфлаш керакми ёки бирор ишга?

Ҳаммаси жуда оддий: пулларни ё харжлаш мумкин ёки иқтисод қилиш. Айтайлик, етти йилдан сўнг сиз баланс ўтказишни истаб қолдингиз. Сизнинг молиявий ҳолатингиз қандай кўриниш олади? Сиз товук ўстирдингизми ёки жўжани қовурдингизми?

Сиз капитал киритиш учун асос яратдингизми ёки кейинчалик мутлақо бекераклиги ойдинлашган нарсалар харид қилдингизми?

ИҚТИСОД ҲУЗУР БАХШ ЭТАДИ

Ўз-ўзингизга ҳақ тўлаш ҳақида қайғуринг. Нон сотиб олар экансиз — нонвойга, сабзавот харид қила туриб — деҳқонга тўлайсиз. Қачон сиз ўзингизга тўлайсиз? Жавоб: иқтисод қилинг! Доим иқтисод қилиш учун кўпчилик инсонларга шахсий интизом етишмайди. Бунда сизга оддий система ёрдам беради.

Сиз махсус «товук» ҳисоб-рақамини очинг. Банкингизга сизнинг амалдаги ҳисоб рақамингиздан омонат ҳисоб рақамига пул ўтказиб туриш ҳақида доимий кўрсатма беринг. Бу йўл билан, ҳар ойнинг бошида унга даромадларингизнинг ўн фоизи келиб тушади. Бу пуллар иш бошлаш учун тўпланмоқда, уларни ишлатиш мутлақо мумкин эмас.

Бу вазиятда ҳаёт шодликларини унутиш ҳам ярамайди. Бунинг учун яна бир ҳисоб рақам — кўнгилочар ишлар ҳисоб рақами очинг. Бунга ҳам даромадларингизнинг маълум бир қисми, айтайлик 5-10 фоизи ўтиб туради. Бу пулларни виждонингиз қийналмай ишлатишингиз мумкин. Бу йўлдан юриб, сиз бир ўқ билан икки қуённи отасиз: ўз ҳузурингизни унутмай яшайсиз ва шу вақтнинг ўзида келажагингиз чун пул тўплаб борасиз.

МАОШИНГИЗ ОША БОРГАН САЙИН ПУЛ ТўПЛАНГ

Даромадларингиз ошган сайин ҳаётингиз даражаси ҳам оша боришини пайқаган бўлсангиз керак. Бироқ бу ҳолда сиз қанча кўп ишлаганингиз сайин каптиталингизни ўсмаётгани кузатилмаслиги керак. Бу ерда ҳам оддий усулни қўллаш мумкин.

Маошингиз ошиши билан унинг эллик фоизини тўпланиб бораётган ҳисоб рақамга ўтказишингиз керак. Сиз аввалги маошга ўрганиб қолганингиз туфайли бу сизга умуман таъсир қилмайди. Сиз маошингизнинг «ярим баробар» ошганига осонгина кўникасиз. Бу ҳолатда сизнинг омонатингиз янада тезроқ кўпая бошлайди ва белни янада маҳкамроқ сиқиш учун ҳожат қолмайди.

СИЗ ХУСУСИЙ ТАДБИРКОР БЎЛСАНГИЗ...

Ишбилармонлар ва эркин касб эгалари олдиндан маълум бир суммадаги пулларни иқтисод қила олишмаслиги, чунки уларнинг даромадлари миқдори доим юқорилаб-тушиб туришидан нолишади. Бундай нуқтаи назар нафақат нотўғри, балки хавфли ҳамдир. Бу сиз тадбиркорликнинг асосий молиявий қонидасидан беҳабар эканлигингизни намойиш этади.

Сиз бир сиймонинг ўзида ҳам фирма раҳбари, ҳам хизматчиси бўлишингиз керак. Ролларнинг бу тарика бўлиниши фақат хаёлий бўлмаслиги керак, бу бухгалтерия ҳисоботларида ҳам ўз аксини топиши лозим. Бунинг учун сизга иккита ҳисоб керак бўлади: фирма ҳисоби ва ўз шахсий ҳисобингиз. Бироқ энг асосийси — сиз ўзингизни фирманинг оддий бир ходими сифатида қатъий қабул қилишингиз керак.

Агар фирма даромад келтирса у хусусий шахс сифатида сизга эмас, фирмага тегишли. Сиз ҳам фирманинг исталган ходимидек, маошга яшашингиз керак-ку. Ҳар ойнинг охирида олдиндан белгиланган суммани фирма ҳисоб рақамидан ўз ҳисоб рақамингизга ўтказинг. Шу йўл билан фирма даромадларидаги тебранишлар сизнинг капитал йиғилишингиз ва молиявий режалаштиришингизга таъсир қилмайди.

Ўзингизга ҳаддан ташқари катта маош белгиламанг. Унинг даражаси ўтган йилги даромадларингизнинг қирқ беш фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Ахир сиз ҳали солиқ тўлашингиз, ишлаб чиқаришга сармоя киритишингиз ва заҳира жамғармасига пул ажратишингиз ҳам керак. Шу сабабли бу ҳолатда сиз ходим эмас, хусусий тадбиркордек фикр юритишингиз керак. Ўзингизнинг шахсий эҳтиёжларингиз фирманинг фаровонлигига путур етказишига йўл қўйманг.

БУ ЎЗИНИ ОҚЛАЙДИ

Агар сиз юқорида баён этилган тизимни ташкил этмасангиз, виждонингиз доим қийналиб юради. Айтайлик, сиз бир доллар сарфладингиз. Бироқ бу сизни хурсанд қила олмайди, чунки шу бир долларни иқтисод ҳам қилишингиз мумкин эди. Агар сиз уни иқтисод қилсангиз, уни ишлатишингиз мумкинлиги ҳақидаги фикр сизни тарк этмайди.

Сизга таклиф этилган икки ҳисоб рақам модели сизга молиявий режалаштиришга янада оқилона ёндашиш имконини беради. Энди мунтазам иқтисод сизнинг шахсий интизомингиз ва иродангизга боғлиқ эмас. Система автоматик равишда ишлайди. Фақат ҳеч қачон ва ҳар қандай вазиятда қилмаслигингиз лозим бўлган ягона нарса — асосий капиталга тегмаслик. Яхшиси, бу пуллар сизники эмас, товуғингизники эканлигини тасаввур қилинг. Агар сиз сал сусткашликка йўл қўйсангиз, аҳмоқ деҳқон ҳолатига тушасиз. Бироқ сиз аҳмоқ бўлиб кўринишни истамайсиз-ку, тўғрими? Сизнинг кейинги фаровон ҳаётингиз асослари ана шу йўсинда қурилади. Аввалига сиз пул тўплашингиз керак. Эҳтимол, сиз кейинроқ янада кўпроқ пул ишлай бошларсиз ёки капиталдан кўпроқ фоиз ола бошларсиз. Бироқ аввало, ўша капитал тўпланиши керак.

Кейинги қадам тўпланган пулларни бирор жойга сармоя қилиб киритишдир. Узоқ истиқболли, йилига ўн икки фоиз даромад келтириши мумкин бўлган сармоя киритиш имкониятларини изланг. Айтайлик, сиз эллик минг евро тўпладингиз. Агар уларни йилига ўн икки фоиз билан банкка омонат қилиб киритилса, йигирма тўрт йилдан сўнг у саккиз юз минг еврога айланади.

Худди мана шунга тилла тухум дейилади. Йилига ўн икки фоиз даромад билан сиз асосий капиталга қўл теккизмасдан ойига саккиз минг евро олишингиз мумкин. Бироқ, унутманг — ҳаммаси эллик минг евро тўплаганингиздан бошланган.

ПУЛ ҚАНЧАЛИК МУҲИМ?

Пул — ҳаётдаги энг муҳим нарса эмас. Бироқ, у алоҳида аҳамиятга қачон эга бўлишини биласизми? Агар у етмаса ва миянгиз фақат қаердан уни топиш мумкинлиги ҳақидаги ўйлар билан банд бўлса! Пул бизга қўшимча имкониятларни яратади. Ўзингиз

ўйланг: агар пулингиз беш миллион еврога ортиқча бўлганда ҳаётингиз қанчалик ўзгарарди?

Ҳар қандай инсоннинг ҳаётида бешта йирик соҳани ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу саломатлик, ўзаро муносабатлар, молия, туйғулар (руҳий соҳа) ва иш (ҳаёт мазмуни). Бу соҳаларнинг ҳар бири ўз-ўзича муҳимроқ. Улардан бирида тараққиётга эришсак, бу бошқа соҳаларга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Агар биз молияни бошқаришни пухта ўргансак, бутун ҳаётимиз янги сифат даражасига кўтарилади. Бизда янгидан-янги имкониятлар пайдо бўлади.

Оқилона хатти-ҳаракатлар бутун умримиз давомида кўмак бериб ва шодлантириб, бизга йўлдош бўлади. Худди шунингдек, бутун умримиз давомида нодонларча хатти-ҳаракатлар бизни изма-из таъқиб қилиб, бизни азоблайди ва мавжудлигимизни захарлаб туради. Биз қандай йўл тутишимиз ҳақида қарор қабул қилишимиз керак. Пуллар ҳам ҳаётимиздаги барча нарсалардек бизнинг фойдамизга ёки зиёнимизга ишлаши мумкин.

Бир қараганда, ақлли инсонларнинг кўпчилиги ўз молиявий аҳволи хусусида қайғурмаётгандек кўринади. Натижада, уларнинг молиявий ҳолатлари бутун бошли тартибсизликни эслатади. Инсон ўзида молиявий фикрлашни тарбиялаши керак. Пуллар сизнинг муаммонгизга айланишига қўйиб бермаслик керак. Улар ижобий кучга айланиши даркор.

ТЎКИНЛИК ҲАҚИДА ФИКРЛАШ

Қанчалик бойир эканмиз, атрофимиздагилар олдида масъулятимиз шунчалик ортиб бораверади. «Бизнинг» пулларимиз ҳеч қачон тўлалигига бизга тегишли бўлмаган. Агар яқинларимизнинг муҳтожлигидан юз ўғирар эканмиз, ҳеч қачон тўла-тўқис бахтли бўла олмаймиз. Биз бутуннинг бир қисмимиз, шу сабабли атрофимиздагилардан миннатдор бўлишимиз, улар билан бўлишиб, миннатдорчилигимизни намойиш қилишимиз керак.

Кўпчилик «Қачонки чин маънода бой-бадавлат ва бахтли бўлсамгина бўлишишни бошлайман», дейди. Аввалига улар ўз-ўзларига ёрдам бермоқчи бўлишади. Бироқ бунақаси кетмайди. Товуққа эга бўлмасдан тилла тухум олиб бўлмайди. Фақат ўзини ўйлаган инсон ҳам бахтли бўла олмайди. Ҳали дон экмасдан, ҳосил олиб бўлмайди.

Бунга бошқа нуқтаи назардан қараб кўрайлик. Айнан ҳозир қандай вазиятда эканлигингиздан қатъий назар, сайёрамиз аҳолисининг катта қисми наздида сиз бадавлатсиз. Ер аҳолисининг учдан икки қисми сиз билан дарҳол жой алмашишга тайёр. Бир мушоҳада қилинг-а, сизда мавжуд пуллар қашшоқлар учун қанчалик аҳамияга эга бўлишини. Энг қашшоқ давлатларда бор-йўғи 8 евро эвазига инсоннинг кўриш қобилиятини тиклаш имкониятини берадиган операциялар ўтказилаётганидан хабарингиз борми?

Атрофимиздагилар билан бўлишар эканмиз, биз Коинотга сигнал жўнатамиз: «Ташаккур. Менда мен истаганимдан ҳам ортиқ нарса бор. Мен бошқаларга ёрдам беришим мумкин». Бу ҳолатда бизнинг пулга муносабатимиз янада табиийроқ бўлаверади. У бизга кўпроқ бахш этади, чунки бир томондан биз бунга мутлақо катта аҳамият бермаймиз, иккинчидан, бу камбағаллар учун қандай кадр-қийматга эга эканлигини жуда яхши биламиз.

Хайрия — бу ўз-ўзимизга ишончининг исботи ва Коинотда энергия қоими ҳеч қачон тугамаслигига ишончдир. Сиз ўзингизни бадавлатликка ундагансиз ва сизнинг истақларингиз пировард натижада ҳаётдан оладиган нарсаларингизни белгилаб беради.

Сиз ўзингизга ва ўзгаларга молиявий эркинлик беришингиз лозим.

Эртами-кечми, шунча йил нима учун бунчалик сабот билан меҳнат қилганингизни тушуниб оласиз. Катта пул топиш ўз ҳолича молиявий хавфсизликни таъминлай

олмаслигини вақти келиб ҳамма тушуниб етади. Қачонлардир ҳар бир инсон ўз молиявий эркинлигининг олий даражасига етишади ва ўз капиталининг фойдаларига яшай бошлайди.

Ғолиблар билишадики, инсонни пул эмас, ундан оқилона фойдаланиш бахтли қила олади. Пул ҳам шунга лойиқ инсонларнинг қўлига бориб тушади.

АМАЛИЙ МАШҚЛАР

Бугун мен пулдан оқилона фойдаланишни бошлайман. Бу йўлда қуйидагиларни амалга оширишим зарур бўлади:

1. Бугундан бошлаб мен доим ўз даромадимнинг камида ўн фоизини йиғиб бораман. Мен биламанки, сақлаб қўйган пулларгина мени бой қила олади.

2. Мен ҳисоб рақамлар системасини тузаман ва улар автоматик равишда менинг пулларимни иқтисод қила бошлайди. Тадбиркор эканман, фирма ҳисоб рақами ва ўз ҳисоб рақамимни ажратаман. Мен ўзимга қатъий белгиланган маош тўлайман. У фирманинг ҳисоб рақамидан ўз ҳисоб рақамимга кўчирилиб турилади. Мен даромадларимнинг қирк беш фоиздан ошмайдиган суммага кун кўришни ўрганаман.

3. Бугундан бошлаб, мен янада иқтисодчи бўламан. Ҳар бир нарсани харид қилиш олдида бу нарса менга нақадар зарурлигини текшириб кўраман.

4. Мен бугун ўз пулларим билан кимга ёрдам беришим мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўраман.

27-ҚОНУНИ. РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСНИ АСТА-СЕКИНЛИК БИЛАН БАРПО ЭТИНГ

Дехқон бамбук илдизини ерга ўтқазиб, унинг устини хас-ҳашак билан кўмиб қўяди.

Ҳар тонг у илдизни суғора бошлайди. Бегона ўтларни юлиб, ерни юмшатади. Бу ҳол тўрт йил давом этади. Ва мана шу тўрт йил мобайнида у меҳнати самарасидан беҳабар ҳолда тинимсиз тер тўқади. У ҳатто кўчат тирик ёки йўқлигини ҳам билмайди.

Ниҳоят, тўртинчи йил тугалланиб бораётган бир пайтда илдизлар кўкариб чиқа бошлайди. Кейин эса тўқсон кун ичида бамбук йигирма метрга бўй чўзади.

* * *

Кўпчилик олдинги иш жойидан қониқмаганлиги учун ўз касбини ўзгартиради. Уларни карьеранинг ўсиш имкониятлари, маош, ишнинг бир хиллиги қониқтирмайди. Баъзиларга эса ишнинг қизиқ эмаслиги ва ҳузур бахш этмаслиги ёқмайди. Яна кимгадир фойдали иш қилаётганини сезмаслиги, қилаётган иши нимагадир ўргата олмаслиги ва етарли даражада кадрланмаслик ҳисси етишмайди. Босқичма-босқич бу омиллар умумий қониқмаслик ҳиссини пайдо қилади. Иш жойини ўзгартириб, инсон бир уринишда барча муаммоларини ҳал этишдан умид қилади.

Аслида эса, янги иш жойида бу муаммоларнинг аксарияти яна пайдо бўлади, устига-устак, янгилари қўшилади. Эҳтимол, янги иш сиздан кўпроқ масъулият, фаоллик, ғайратлилик ва диққат талаб қилар...

МОСЛАШИШ ДАВРИ

Самолётда тўхтовсиз ўн икки соат парвоз қилсангиз, чарчоқ сеза бошлайсиз ва аввало атрофингиздаги ҳолатга бироз мослашиб олишни истайсиз. Жуда кўп нарса сизга ғалати туюла бошлайди. Вақт белбоғининг ўзгарганига ҳам мослашишингиз керак. Бу мослашиш даври бир неча кунни ташкил этиши мумкин. Иш жойини ўзгартирган инсон ҳам худди шу каби мослашишга муҳтож. Айнан мана шу мослашиш даврида кўпчиликнинг тарвузи қўлтиғидан тушади ва таслим бўлишади. Балки улар ҳаёт тақдим этган имкониятни рад этишаётгандир?..

Ҳар доим биз ўзимиз учун янги бўлган ишни бошлар эканмиз, “мослашиш даври” қурбони бўлиб қолмаслик учун икки муҳим жиҳатни пухта ўрганишимиз керак:

1. Ўзингизни сохта таассуротлар билан овутоманг. Нарсаларни қандай бўлса шундайлигича қабул қилинг. Янги иш — бирданига мўмай пул ютиб олиш мумкин бўлган лотерея эмас, асло. Бу ерда тинимсиз меҳнат, чидам ва сабр керак. Масалан, шахсий ишини очиш кўпчиликка мисли кўрилмаган имкониятни тақдим этади, бироқ бунинг устида тинимсиз ишлаш керак.

2. Ғолиб инсон факт максимал қисқа муддатларда кўп пул ишлаб олиш мумкин бўлган усулларгагина эътиборини қаратмаслиги керак. Аввал у муваффақият қомуси — ғолиблар қонунлари билан танишиши лозим. Масалан, у йўлида ҳали муваффақиятсизликлар кутиб турганини билиши ва уларни енга олишни билиши шарт. У ғолиблар қонунини пухта ўзлаштириши керак. У ўз режаларига ҳажмига монанд шахс сифатида ўсиши керак.

ҚАНЧАЛИК КАТТА МУВАФФАҚИЯТ ҚОЗОНМОҚ ИСТАСАК, ПОЙДЕВОР ШУНЧАЛИК МУСТАҲҚАМ БЎЛИШИ КЕРАК

Кўп қаватли уй қуриш режалаштирилган қурилиш майдончасини кузатиш жуда қизиқ. Узоқ вақт у ерда ҳеч қандай иш кетмаётганга ўхшайди. Фақат майдончада жуда кўп ишчилар у ёқдан бу ёққа юргани-ю, улкан қурилиш машиналарининг шовқини эшитилиб туради, ҳолос.

Кейин кутилмаганда бинонинг скелети пайдо бўлади: гўёки бир кечада қад ростлагандек. Кейин ушбу скелет деворлар ва деразаларга эга бўла бошлайди. Кейин том ёпилади ва атроф ободонлаштирилади. Кўз очиб юмганча қурилиш майдончаси ўрнида кўркам бино пайдо бўлади.

Бироқ бу тезлик алдамчидир. Аслида, қурилишда режалаштириш ва тайёргарлик ишлари учун ойлаб вақт керак бўлади. Янги касб билан ҳам худди шундай ҳолатни кузатиш мумкин.

Бир неча кун ичида узоқ муддатли муваффақиятга эришиб бўлмайди. Бино ғиштдан барпо этилади. Муваффақиятни ғолиблар қонунидан фойдаланиб, фақат кундалик меҳнат билан яратиш мумкин. Айнан шундай, кундан кунга муваффақиятингиз пойдевори, деворлари, деразалари ва томи қурилади.

Буни сеҳрли таёқча ёрдамида амалга ошириш мумкин эмас. Жаҳондаги исталган муҳим нарсалар бир кун, бир ҳафта ва ҳатто бир ойда барпо этилмаган. Агар кимдир кутилмаганда бойиб кетган бўлса, у бунинг учун йиллаб тер тўккан. Кўпчиликка сабр ва чидам етишмайди. Улар буюк ғалабаларни эмас, майда-чуйда ютуқларни мўлжаллашади. Ҳақиқатдан ҳам оламшумул натижалар ҳеч қачон кутилмаганда пайдо бўлмайди. Бироқ сиз сабрли бўлсангиз ва ғиштни ғиштга улаб тиним билмай меҳнат қилсангиз, ажойиб кунларнинг бирида фахрланиш мумкин бўлган шундай бир нарса барпо этганингизга гувоҳ бўласиз.

САБР МОСЛАШИШ ДАВРИНИ ЕНГИШДА АСҚОТАДИ

Янги фаолиятни бошлар эканмиз, биз кўпинча ҳамма нарсани чиройли рангларда кўришга мойилроқмиз. Кўп ўтмай ҳушёр торта бошлаймиз. Бошлиғимиз дастлаб кўринганидан фарқли ўлароқ кўпам дилкаш инсон эмаслигини, мижозлар ҳам сизнинг фикрингизга осонгина қўшила олмаслигини, ҳамкасбларингизнинг ҳам “қилиқ”лари борлигини сеза бошлайсиз. Бу ҳар қандай инсон янги иш жойида сезиши аниқ бўлган мутлақо нормал ҳолатдир. Ҳа, янги ишингиз аввал-бошда кўринганига нисбатан унчалик ҳам яхши эмаслиги ойдинлашиб қолар. Бироқ, пича кейинроқ у умидсизликка туширадиган даражада ёмон эмаслигини сезасиз. Ҳақиқат эса ана шу икки жиҳатнинг ўртасидадир. Агар янги ишингиз аслида нималардан иборат эканлигини билишни истасангиз, ҳамма нарса хира рангларда кўрина бошлаган пайтда қўлни совуқ сувга ювиб, қўлтиққа урмаслик керак. Умидсиз ҳолат бўлиб кўринган нарса аксарият ҳолларда бундай

бўлиб чиқмаслигини унутманг. Жуда кўп нарса сизнинг қабул қилиш хиссиётингизга боғлиқ.

Кунларнинг бирида уч қурбақа қаймоқ тўлатилган хум топиб олишибди. Кўп ўйлаб ўтирмасдан улар хумга сакрашибди ва ўзларини жаннатдагидек ҳис қила бошлашибди. Улар қаймоқ ичида сузиб, ундан тўйгунича ялашибди. Бироқ қоринлари тўйиб, ташқарига сакрашни мўлжаллаб туришганда, хумнинг деворлари жуда силлиқ ва ёғли эканлиги маълум бўлибди. Қурбақалар боши берк кўчага тушиб қолганини англашганда, улардан иккитаси таслим бўлибди ва хум тубига чўкиб кетибди.

Бироқ, учинчи қурбақа таслим бўлишга ўрганмаган экан, у яна имкон ахтариб қаймоқ ичра суза бошлабди. Тез орада у ҳам ҳолдан тойибди. Энди бошқа йўл йўқдек кўрина бошлабди.

Аммо қурбақа бор кучини тўплаб, икки баробар ғайрат билан қаймоқ ичра суза бошлабди. Тез орада қаймоқ сариёққа айланибди ва қурбақа хумдан қийналмасдан сакраб тушибди.

Таслим бўлмаслик учун яна бир сабаб — буни сиз ўзингиз учун қиялмасиз-ку?!

Иш жойингизда нималар бўлаётганидан қатъий назар, сиз токи ишнинг ижобий томони билан танишмагунигизга қадар таслим бўлмаслигингиз керак. Нима бўлганда ҳам, сиз иш учун эмас, ўсиш ва ривожланиш учун ишлялмасиз-ку?! Карьерангиз қандай бўлишидан қатъий назар, ҳар қандай ҳолатда сиз бутун умр ўзингизда қолувчи янги билим ва кўникмалар ҳосил қиласиз.

Кутилмаган вазиятлар сиз қурган нарсаларнинг ҳаммасини вайрон қилиши мумкин. Сиз барпо этган бинодан бир уюм ахлат қолиши мумкин. Бироқ, ҳеч ким ҳеч қачон ўрганган нарсаларингизни тортиб ололмайди.

Миллионга эга бўлиш эмас, уни ишлаб топа олиш муҳим. Агар сизда шундай қобилият бўлса ва ишлаб топилган пуллар билан муомала қила олсангиз, сизга ҳеч нарса таҳдид сола олмайди. Агар сиз ҳамма нарсдан мосуво бўлсангиз ҳам, яқин орада яна янги муваффақиятга эришасиз. Ҳақиқий бойлик ўзингизда яширин.

АГАР СИЗНИ АДАШТИРИШСА, ЭҲТИМОЛ, БУНИ ЎЗИНГИЗ ИСТАГАНДИРСИЗ?

Шундай латифа бор. Ҳозиргина жони узилган инсон руҳидан фаришта “жаннатга тушишни истайсанми ёки дўзахга?” — деб сўрабди. Танлаш имконияти борлигидан шодланган руҳ, қарорга келишидан аввал иккаласини ҳам кўриши кераклигини айтибди. Фариш уни аввал жаннатга олиб борибди: у ерда ҳамма анжирзорда қўшиқ хиргойи қилганча меҳнат қилишаётган экан. Кейин улар дўзахга назар ташлашибди — у ерда аллақандай байрам бўлаётган экан. Дастурхон устида турли ноз-неъматлар, ичимликлар, хуллас, ҳамма чин дилдан маишат қиялпти. Қаҳрамонимиз иккиланмасдан дўзахни танлабди.

Бироқ, дарвозадан кирар-кирмас, уни занжирбанд қилиб, улкан гулхан олдидаги чўғларни оёғи билан эзишга мажбур қилишибди. У бояги фаришта устидан шикоят ёзибди. Ундан эса жавоб хати келибди: “Сен шунчаки тақдимот маросимига бориб қолган эдинг”.

Демак, иш аввал бошда туюлганига терс ўлароқ, қизиқарсиз бўлиб чиқди. Хўш, гап нимада? Бизни алдашдими ёки ўзимиз-ўзимизни адаштирдикми? Балким биз ўзимизда ҳеч нарсани ўзгартиришни истамаймиз ва муваффақият учун керакли қийматни беришга тайёр эмасдирмиз? Аниқ жавоб бериш қийин-а? Шунчаки, ёдда тутинг: мослашиш даврида нима бўлганда ҳам таслим бўлмаслик керак. Чунки гап иш устида эмас, сизнинг шахсиятингиз ривожланиши устида бормоқда.

Сизнинг кейинги ривожланишингиз қуриладиган пойдеворни барпо этиш учун вақт талаб этилади. Ишни эса фикрлаш образини ўзгартиришдан бошлаш керак. Голиблар қонунини ўзлаштириш лозим. Ўзлаштириш деганда олинган билимларни ёдда сақлашни

тушунмаслик керак. Шундай қилиш керакки, ҳеч қачон ва ҳар қандай шароитда ҳам сиз буни унута олманг. Агар сиз шундай пойдевор барпо эта олсангиз, сизни ҳеч нарса тўхтата олмайди.

Ғолибларни мослашиш даври чўчита олмайди. Улар бунга тайёрлар ва ишнинг биринчи йили натижаларига етарли баҳо бера олишади. Бироқ, улар дастлабки ўн йилликдан оламшумул нарсалар кутишмоқда. Агар дастлабки даврни кўнгилдагидек ўтказиб олишса, улар мукофот узоқ кутгирмаслигини жуда яхши билишади.

АМАЛИЙ МАШҚЛАР

Бугундан бошлаб мен келажакда ривожланишим учун пойдевор барпо этишни бошлайман. Бунинг учун қуйидагилар керак бўлади:

1. Мен бинони мустаҳкам пойдеворсиз барпо этиш мумкин эмаслигини жуда яхши биламан. Шунинг учун ҳаракатим импульсини сақлаш устида ишлайман ва бу ҳолда ўзимнинг анъанавий иш услабларимга таянаман. Натижаларга келсак, уларни сабр билан кута бошлайман. Энг катта бино ҳам ғиштларни бир-бирига қалаб барпо этилганини биламан.

2. Нимаики юз бермасин, мен таслим бўлмайман. Илгари бирор қор-қол рўй берса қўлтиғимдан “тарвузим”ни тушириб юборардим. Бироқ бугундан бошлаб, кўзлаган нарсаларимнинг барчасини бажараман. Бугундан бошлаб, ҳар қандай қийинчиликларга чидайман.

3. Мен майда-чуйда ютуқларни эмас, улкан муваффақиятларни кўзлайман. Келгуси йил учун улкан режалар қурмайман, бироқ бир юз ўн фоизга ишлай бошлайман. Кейинги ўн йиллик масаласида эса, ўз режаларимга чегара қўймайман. Бугун мен кейинги ўн йиллик учун қурган режаларим чўққисини янада баландлатаман.

4. Мослашиш даври нафақат ишда юз беради. У спортда ҳам, оилавий ҳаётда ҳам мавжуд. Бу ерда ҳам чалғитиши мумкин бўлган «тақдимот»лар бўлиши мумкин. Мен ўз ҳаётимнинг қай бир жабҳасида бошланғич даврнинг қийинчиликларига ортиқча баҳо бериб юборган-юбормаганлигимни текшириб кўраман.

28-ҚОНУНИ. ЎЗИНГИЗНИ ИЖОБИЙ НАМУНАЛАР БИЛАН ҚОБИҚЛАНГ

Фараз қилайлик, энг моҳир ва машҳур қандолатчиникидан ҳам қолишмайдиган торт пиширишга қарор қилдингиз. Бунда сизга аввало рецепт керак бўлади ва керакли натижага эришишингиздан олдин бир неча марта муваффақиятсизликка учрайсиз. Бироқ, шунда ҳам сиз рецептнинг майда-чуйда икир-чикирларигача қатъий амал қилсангизгина, сиз аввал сира торт пиширмаган бўлсангиз ҳам, профессионаллар каби натижага эриша оласиз.

Эҳтимол, ушбу рецептни тузиш учун қандолатчига йиллаб уриниш ва изланиш керак бўлгандир? Бироқ унинг меҳнати натижаларидан фойдаланиб, сиз ушбу йилларни иқтисод қилишингиз мумкин.

* * *

БИЗ ДОИМ КИМНИНГДИР ТАЪСИРИНИ СЕЗИБ ТУРАМИЗ

Қадимги Юнонистонда ота-оналар болалари бир неча соат мактабда таълим олишларидан қониқишмас эди. Улар фарзандларини бир неча йил устозлари билан бирга яшашига эришишар эди. Улар устоз билан кундалик доимий мулоқот — энг яхши сабоқ, деб ҳисоблашар эди.

Бизга ҳеч нарса атрофимиздаги одамлардек таъсир кўрсата олмайди. Эҳтимол, сизга сал оширворгандек кўринарман, лекин бу ҳақиқат. Биз инсон миясининг ишлаш принципини эндигина тушуна бошлаганмиз, бироқ олимлар миямиз атрофимизда бўлаётган воқеаларга нисбатан барча маълумотларни йиғиб бориши ҳақида умумий тўхтамга аллақачон келиб бўлишган.

Кўзларингизни — телекамера, қулоқларингизни микрофон, дея тасаввур қилишингиз мумкин. Биз ташқи муҳитимизда бўлаётган барча воқеаларни ёзиб борамиз ва бу маълумотни миямизда сақлаймиз. Жуда ҳам оддий қилиб тушунтирганда, миямизни биз кўрган-кечирган нарсалар ёзилган улкан видеокассета сифатида тасаввур қилиш мумкин. Бироқ, бу мантиққа суянадиган бўлсак, ушбу кассетада тасвирга олинган нарсаларнигина қайта томоша қилишимиз мумкин, холос. Хўш, бошқа маълумотлар қаердан олинади?

Доим фақатгина Майкл Жексон кассеталарини тинглаб юриб, куни келиб Моцартни ҳам сева олиши мумкинлигини таъкидловчи инсон ҳақида қандай фикрдасиз?

ЎРГАНИШНИНГ ЭНГ ЯХШИ УСЛУБИ

Биз ўзгалардан тасаввур қилинганидан кўра кўпроқ нарса ўзлаштирамиз. Тўғри, кимлардир бошқаларнинг фойдали жиҳатларини ўзлаштирамиз, дея ўйлар. Аслида эса, миямиз қабул қилаётган нарсаларимизнинг ҳаммасини тўплаб боради, асосан беихтиёр.

Бунинг ҳеч ёмон томони йўқ, чунки бундай жараёнлар бизга самаралироқ ўрганиш имкониятини беради. Биз ниманидир “ёзар” эканмиз, кейинроқ уни қайта “ўқир” эканмиз, ўрганиш жараёни тўлақонли табиий услубда бўлиб ўтади. Бу услуб мактабда фойдаланиладиган мақсадли ўргатиш услубидан яхшироқдир.

Бунга мисол жуда кўп. Масалан, мактабда узок йиллар чет тилини ўзлаштира олмаган инсон, шу тилда сўзлашувчи мамлакатга тушиб қолади. Орадан бир неча ой ўтгач, у тилни тўлиқ ўзлаштиради. Тақлид қилиш асносида беихтиёр ўрганиш услуби доим китобга қараб ўрганиш услубидан устун бўлиб келган.

Ёш болалар она тили қанчалик мураккаб бўлмасин, уни осонгина ўзлаштиришади. У шунингдек ўз ватанининг барча маданий қадриятларини ҳам ўрганишади. Буларни ўрганишда улар асло қийналишмайди, чунки атрофдагиларига тақлид қилишнинг ўзи кифоя. Албатта, улар ҳамма инсонлардан нусха олишмайди, биринчи навбатда яқин атрофдагиларига тақлид қилишади. Шу сабабли бизнинг фикримиз ва сезгимиз образлари келиб чиқишимиз билан эмас, биз ўсиб-улғаяётган муҳит орқали аниқланади.

АТРОФИМИЗДАГИ ИНСОНЛАРНИНГ ФИКР ВА ТУЙҒУЛАРИ

Ёши катта инсонлар ҳам бутун умри давомида ёш болалардек бўлишади. Бизга доим қандайдир таъсир ўтказилиб турилади. Доим нимадир “кассета”мизга “ёзиб” борилади. Ёзилган нарсаларнинг барчаси у ёки бу кўринишда ҳаётимизда ўз аксини топади. Фараз қилинг, атрофингиздагиларнинг барчаси хайкалтарош, сиз эса каттагина мрамртош бўлагисиз. Ҳар бир инсон сизни ўз дунёқарашига монанд шакллантиришга ҳаракат қилиб, ушбу мрамрда ўз чизгисини қолдиради. Ҳар бир инсон сизнинг шахсиятингизга кейин тўғирлаш жуда қийин бўлган ўзгартиришлар киритади. Инсонлар билан рақобат қилмас экансиз, сиз аввалги ҳолингизда қолаверасиз. Бироқ ҳар бошқа-бошқа инсон билан учрашув сизда ўз изини қолдираверади.

Айнан шу нарса бизга ўқиш имконини беради. Бизда бугун мавжуд бўлган фикр ва туйғулар бизни шу ҳолимизгача олиб келган. Бироқ айнан шу фикр ва туйғулар бизни келажакда ўзимиз орзу қилган одам бўлишда асқотмайди. Бу биз қандай бўлсак шундайлигимизча қолиб, бошқачароқ натижалар кутишга ҳақли эмаслигимизни билдиради. Агар биз қандайдир янги нарсага эришишни истасак, янгича фикрлаш ва сезишни ўрганишимиз керак.

Ёш болалар ҳиссиётларини кўрсатишни катталардан ўрганишади, уларнинг хатти-ҳаракатларига тақлид қилишади. Бу бизга ҳам тегишли. Инсоннинг туйғуларини у каби ҳаракат қилиб яхшироқ тушуниш мумкин. Чунки ҳаракат ва туйғулар бир-бирига чамбарчас боғлиқ.

Бошқа инсоннинг фикрини тушуниш учун у каби гапириш керак. Ўрганишнинг бу жараёни бошда туюлганига нисбатан узоқроқ давом этади. Биз бутун умримиз давомида ўрганамиз ва атрофимиздагиларнинг кўплаб фикрлари ва туйғуларини ўзлаштирамыз.

АФСУСКИ, БИЗ ҲАММА НАРСАНИ КЕТМА-КЕТ ҚАБУЛ ҚИЛАВЕРАМИЗ

Ўрганишнинг бу услубининг афзаллик томони шундан иборатки, биз ўзимиз сезмаган ҳолда ва тўхтовсиз ўрганамиз. Бироқ, бунинг бир камчилиги бор. Биз ўзимиз сақлаб қолишни истаган нарсаларимизни филтрлаб туриш имкониятидан маҳруммыз.

Бор куч-шижоати билан муваффақиятга эришишга чоғланган, бироқ унга ета олмаётган инсон “кассета”даги керакли “ёзув”ларни қайта ўқиماётган бўлиб чиқиши мумкин. Ҳар доим йўлингизда енгил қийин бўлган тўсиқлар чиқиши билан хаёлий видеомагнитофонингиздаги “стоп” тугмасини босинг ва ўқилаётган “кассета”ни танқидий руҳда баҳоланг. Унда нималар ёзилган? Балки ёзувни ўзгартириш керакдир? Фикрингизча, ҳозир қайси “кассета” кўпроқ мос келар эди? Ўзингизга “бошқа мусиқа”ни танлашнинг биргина ўзи етарли эмас. Уни аввал “ёзиш” керак, бунинг учун эса сиз истагандек яшаётган одамларни атрофингизга жамлашингиз зарур. Сиз улардан керакли сифатларни ўзлаштирингиз мумкин.

ТАНЛАШ СИЗДАН

Маълум бир ёшгача биз ким билан мулоқотга киришишни ўзимиз танлай олмаймыз. Биз маълум бир маънода атрофимизнинг “қурбони”га айланамиз ва бу яхши бўлиши ҳам мумкин, ёмон ҳам. Бу ҳолда биз истаймизми-йўқми, бизнинг онгимиз маълум биз кўринишда программалаштирилади.

Улғайганимиздан сўнг, бизни икки гуруҳга оид инсонлар қуршаб олишади. Биринчи гуруҳга биз керакмиз, иккинчисига эса йўқ. Биринчи гуруҳ олдида биз масъулмиз ва уларга доим ёрдам кўлини чўзишимиз керак. Бироқ, унутмаслигимиз керакки, биз чандон кучлироқ бўлсак ёрдамимиз янада самаралироқ бўлади.

Сизнинг борлигингиздан кўпам эҳтиёжи бўлмаган иккинчи гуруҳда эса, сизнинг ўқиш ва ўсишингиз кераклигини тан олувчилар ҳам бўлади, бироқ сизни тўхтатиб қўйишни истовчи ва ривожланишингизга тўсқинлик қилувчилар ҳам топилади. Билишингиз керакки, бундай инсонларни танлаш имкониятингиз бор. Биз йўлимизда учраган ҳар бир инсонга вақт ажратишга мажбур эмасмиз. Бизнинг ирода эркинлигимиз тасаввур қилганимиздан кучлироқ. Биз ўз тақдиримизга етарли даражада таъсир кўрсатишга қодирмиз. Кўпчилик инсонлар уларнинг кучи танлаш ҳуқуқида эканлигини билишмайди. Улар қаригунларича ўзига бошқа муҳит танлаш имкониятидан маҳрум бўлган ёш болалар ҳолатида қолишади.

Биз эса онгли равишда бизга таъсир кўрсатувчи ва “программалаштирувчи” инсонни танлашимиз мумкин. Албатта, шууримизни шунчаки ўчириб бўлмайди, бироқ мулоқот қилишимиз керак бўлган инсонни танлашимиз мумкин. Ҳеч ким бизни нимагадир мажбур қилишга ва ривожланишимизни секинлаштиришга ҳақли эмас. Биз — ўз ҳаётимиз эгаларимиз.

ОҚИБАТ

Инсонлар юқоридаги фикрга турлича ёндашишади. Баъзилар ҳатто олдинги танишлар билан алоқани кескин узиб ташлаш керак, деган фикрда ҳам бўлишади. Йўқ, бунга эҳтиёж йўқ. Бундан ташқари, бу мақсадга мувофиқ ҳам эмас. Аксинча, танишларингиз эҳтиёж сезаётган бўлса, уларга қўлдан келганча ёрдам бериш керак. Ҳеч кимга ўз ёрдамингизни тиқиштирманг. Сиздан маслаҳат сўрамаётган инсон, демак маслаҳатга зор эмас. Болаларга ҳам, катталарга ҳам кўрсатилаётган ёрдам битта принципга асосланиши керак: инсонларни ўз-ўзига ёрдам беришга ўргатиш керак.

Агар сизнинг ўзингизга ёрдам керак бўлса, сиздан кўра кўпроқ муваффақиятларга эришган инсонларга мурожаат қилинг. Фикрламайдиган инсонлардан маслаҳат сўраш — бемаънилик. Бу ҳолда улардан маслаҳат ўрнига ўзининг оғир турмуши хусусида шикоят эшитасиз.

Сиз гуллаб-яшнаётган инсонлардан намуна олинг. Тўғри, дарҳол савол пайдо бўлади: “Муваффақият нима ўзи?” деган. Бесси Стенли бу саволга жуда гўзал жавоб берган:

Инсон яхши яшаган, кўп кулган ва севган бўлса уни муваффақиятга эришган, деб ҳисоблаш мумкин. Шунингдек, у ақлли инсонларнинг ҳурмати ва ёш болаларнинг меҳрини қозонган бўлса ҳам. Агар у ҳаётда ўз ўрнини топиб, уни парваришланган гуллар билан, ёки чиройли шеър билан, ёки қутқарилган қалблар билан тўлдирган бўлса. Инсон муваффақиятга эриган ҳисобланади, қачонки у ташаккурларини билдиришда зикналик қилмаган бўлса, оламнинг гўзаллигини етарли даражада баҳолай олган бўлса ва бу ҳақда гапиришдан уялмаса. Агар у инсонларда энг яхши нарсани кўрса ва ўзидаги энг яхши нарсани сахийлик билан бўлишган бўлса. Унинг ҳаёти инсонларни руҳлантирса ва унинг хотираси инсонлар қалбида қолиб кетса.

Қайси инсонлар билан учрашишни исташингиз ва улардан нималар ўрганишингизни ўйлаб кўринг. Агар атрофингизга муваффақият томон дадил одимлаётган инсонларни тўпласангиз сиз ҳам тезроқ муваффақиятга эришасиз. Атрофингиздагилар ичидан сиздан катта нарсалар кутаётганларни ахтариб топинг. Улар томонидан шундай нарсалар кутилаётгани сизнинг ривожланишингизга улкан рағбат бўлиб хизмат қилиши мумкин.

ҚИСҚИЧБАҚА

Агар атрофингизга ғолибларни тўпласангиз, тез орада ўзингиз ҳам яхши томонга ўзгараётганингизни сеза бошлайсиз. Бундай ўзгаришларга танишларингизнинг ҳаммаси ҳам хайрихоҳ бўлмайди, албатта. Улардан кимдир сизнинг ўсиш ва ўрганиш жараёнингизга тўсқинлик қилишни истаб қолади.

Сиз ҳеч қачон кузатганмисиз: бир челақ тўла қисқичбақалар ичидан бирортаси ташқарига чиқишга уринса нима бўлишини? Бошқалари уни ушлаб, орқага торта бошлайди. Аксарият инсонлар ҳам шундай. Улар бу хатти-ҳаракатларини бирор ёмонлик соғиниб эмас, шунчаки қилишади.

Асосийси, ўзингизга тўхтаб қолишга имконият яратманг. Атрофингиздаги одамлар олға интилишингизга тўсқинлик қилаётган бўлса, ҳеч қачон жиддий муваффақиятга эриша олмайсиз. Балки менинг маслаҳатим сизга жуда кескин кўринар, бироқ бундай инсонлардан воз кечинг. Ўз қўлларингизни боғлаб қўйманг! Ривожланишдан тўхтаб экансиз, на ўзингизга, на бошқаларга ёрдам қила оласиз.

Бу билан мен бундай инсонларни баҳоламоқчи эмасман. Ҳар бир инсон ўзига хос. Шунчаки, вақт ўтиши билан баъзи инсонлар бири-бирига тўғри келмаслиги ойдинлашади. Ҳа, бу жуда қайғули, лекин нима ҳам қила олиш мумкин? Бу вазиятда ўзга инсоннинг сифатидан шубҳаланиб ўтирмасдан қатъият билан ҳаракат қилиш зарур.

Интизом одатларни пайдо қилади. Одатлар хулқни белгилаб беради. Хулқ-атвор муҳим ишларни ҳеч қанча куч сарфламасдан, беихтиёр равишда бажаришда асқотади. Фойдали одатлар пайдо бўлиши учун калит — биз мулоқотда бўлган инсонлардир.

Ҳаётнинг ҳар бир жабҳаси учун турли стратегиялар мавжуд. Агар биз уларни ўргансак, исталган соҳада катта муваффақият қозонишимиз мумкин. Бундай ёндашув катта куч ва вақт тежалишига сабаб бўлади. Жуда кўп инсонлар қаҳрамонлардан руҳланишади, бироқ уларнинг жуда кичик қисми қаҳрамонлар стратегиясини таҳлил қилиб, улардан ҳаётида фойдаланишади. Ғолиблар эса ўз-ўзларини рағбатлантиришади. Улар ўзларида бор нарсага қаноат қилмайдиган инсонлар билан мулоқотга киришишади. Ғолиблар ўз атрофларида керакли пайти ёрдам бериши мумкин бўлган инсонларни

тўплашади, шунингдек, ўзлари ҳам уларга ёрдам беришади. Агар сиз атрофингизга ғолибларни тўпласангиз ўзингиз ҳам доим ўсиш ва ривожланишда бўласиз. Сиз ҳам ғолибга айланасиз.

АМАЛИЙ МАШҚЛАР

Бугундан бошлаб менга ижобий намуна бўлиши мумкин бўлган, улардан бирор нарса ўрганишим мумкин бўлган инсонларни атрофимга тўплай бошлайман. Бунинг учун менга қуйидагилар керак бўлади:

1. Мен бугуноқ мен интилаётган нарсага етишган инсон билан мулоқотда бўламан.

2. Менга тўғри нарсалар ўз таъсирини ўтказишини истайман. Шу сабабли бугун телевизорда кераксиз фильмни томоша қилмайман, ёки радиода кун бўйи мусиқа тингламайман. Бугун хотирамга онгли равишда ёзиб қўйишим керак бўлган нарсаларни танлайман.

3. Мен ҳар ой ундан бирор нарса ўрганишим мумкин бўлган инсон билан танишаман.

4. Мен ўз танишларимга қай йўсинда ёрдам беришим мумкинлиги ҳақида бош қотираман. Мен уларга сабоқ бермоқчи эмасман, уларнинг ривожланишини онгли равишда рағбатлантирмоқчиман.

5. Мен ўзимга танқидий савол бераман: “Атрофимдагиларга таъсирим қанақа? Улар учун ижобий намунаманми?”

29-ҚОНУНИ. ЎЗИНГИЗДАН ҚОНИҚМАСЛИГИНГИЗНИ ЎСИШ УЧУН РАҒБАТГА АЙЛАНТИРИНГ

Кунларнинг бирида қари қабила бошлиғи сайёҳга вулқон отилиши натижасида йўқ бўлиб кетган ўз ватани — орол тарихини гапириб берибди:

— Қабиламизда етти қишлоқ аҳли истиқомат қилар эди. Ҳар бир қишлоқнинг ўз мўйсафиди бўлиб, у қишлоқнинг муҳим сирини сақлар эди. Қабила қачонки ўша етти сирдан бафуржа фойдалангандагина чин маънода бахтли бўла олар эди. Шу сабабли ўша етти қишлоқ аҳли жуда аҳил яшашарди. Вулқон отила бошлагач, қишлоқ мўйсафидлари ўз қишлоқдошларини қайикқа ўтирғизиб, офатдан қутилиш учун очик денгиз сари суза бошлашган. Қалин тутунда қайиқлар бир-бирларидан узоқлашиб, турли томонларга сузиб кетишган. Ўшандан буён қабиламиз бирлаша олгани йўқ.

— Нега унда қолган олти гуруҳни излаб топиш учун одам жўнатмадингиз? — ҳайрон бўлибди сайёҳ.

— Биз бунга кўп бора уриндик, — дебди қабила бошлиғи.

— Бир неча марта қайиқларда одам юбордик, бироқ уларнинг бирортаси қайтиб келмади.

— Унда нима бўлган бўлса? Ахир сизларнинг барчаларингиз моҳир денгизчиларсиз-ку?!

— Мен уларни ҳалок бўлган деб ўйламайман, — дебди қабила бошлиғи анча сукут сақлаб олгач. — Улар саёҳат давомида асосий вазифаларини унутишга-да мажбур қилган гўзал жойларни топиб олган бўлишса керак. Менимча, улар ҳозир шод-хуррам ҳаёт кечиришмоқда.

* * *

Катта муваффақиятга эришган инсонларнинг барчасининг бир хусусияти бор. Уларнинг барчаси илгари ўз ҳаётларида нимадандир норози бўлишган. Бу қониқмаслик уларни ҳаракатга келтирувчи куч бўлиб хизмат қилган.

Ишдан қониқмаслик аксарият ҳолларда қуйидаги сабаблари билан тушунтирилади:

- иш чуқур мазмунга ва маънога эга эмас;

- маош жуда кам;
- карьеранинг ўсиши учун имконият йўқ;
- фаолият қизиқ масалаларни ечиш билан боғлиқ эмас;
- иш ҳузур бахш этмайди;
- иш нуфузли эмас;
- ўз қобилиятини намойиш этиш учун имконият йўқ.

ҚАНОАТ ВА ШУКРОНАЛИКНИНГ ФАРҚИ

Аксарият инсонлар қониқмасликни салбий сифат дея баҳолашади. Орамиздан кўпчилигимиз ёшлигимизда “ўзингда мавжуд нарсага қаноат қилишинг керак”, деган гапни қайта-қайта эшитганмиз. Бу гапларни айтган инсонлар бизни яхши нарсага ўргатмоқчи бўлишгандир, бироқ буни тўғри ифодамай олишмаган. Улар шукроналик ва қаноат тушунчаларини чалкаштириб юборишган.

Аслида эса бу икки тушунча ўртасида принципиал фарқ бор. Ўзимизда мавжуд нарсалар: дастурхонимиздаги ризқ, атрофимизни ўраб турган, бизни севувчи ва биз уларни севувчи инсонлар учун шукр қилишимиз керак.

Ўз моддий ҳолатимиз даражасидан қатъий назар, гарчи автомобилнинг эски ва квартирангиз тор бўлса ҳам, сиз ўзингизда мавжуд нарсалар учун шукр қилишингиз керак. Шукроналик — бу жуда муҳим туйғу. Биринчидан, унинг ёрдамида кўрқувни енгиш мумкин. Иккинчидан, агар биз бугун ўзимизда мавжуд бўлган нарсалар учун шукр қилмасак, келажакда — янада кўп нарсага эга бўлсак — шукр қилишни унутиб қўямиз. Шукроналик — бахт эшигининг калитидир. Сиз бирорта доим шукр қилган, бироқ, бахтсиз инсонни учрата олмайсиз.

Қаноат — бу жуда хавфли нарса. Ҳеч қачон кимлигингиз ва ўзингизда мавжуд нарса билан кифояланиш мумкин эмас. Тирик жон борки, униб-ўсиши керак. Агар нимаики ўсишдан тўхтаса, демак у нобуд бўлган. Ўз ҳолатига қаноат қилган инсон ривожланишдан тўхтайдди. Фақатгина қониқмасликни ҳис қилибгина биз ўзгаришимиз ва ўсишимиз мумкин. Ҳеч қачон қаноат туйғусига бўйин эгмаслик керак. Жонатан Свифт шундай деб ёзиб қолдирган: “Ҳеч нарса кутмаётган инсон ўзини бахтли ҳисоблайди, чунки унинг умиди чиппакка чиқмайди”.

Ресторанда ҳеч нарса буюрмаган инсон ҳеч нарса ололмайди. Ҳаёт шунақа. Биз ҳаётдан ўзимиз истаган нарсаларни олишимиз керак. Муваффақият айнан шу нарса. Бироқ, шу билан бирга ўзимизда мавжуд нарсалар учун шукр қилишимиз керак. Бири иккинчисисиз мавжуд эмас.

ҚАНОАТ ДАНГАСАЛИК ВА ЛОҚАЙДЛИКНИ ТУҒДИРАДИ

Ўз ҳолатидан қаноатланган инсон ривожланишдан воз кечади. Қаноат сиртдан ижобий тушунчадек кўринса-да, унинг замирида дангасалик, лоқайдлик ва ривожланишни истамаслик яширин. Қаноат ҳаракатсизликнинг энг кенг тарқалган баҳонаси эканлиги қисман ана шунда эмасми? Бу нуқсон қурбонига айланган инсонлар ҳаммасига қўшимча қилиб, ўзларини жуда тартиб-интизомли деб ҳам санашади.

Инсон ўз-ўзидан қаноат қилиш ҳиссини туйган заҳотиёқ унда ишлаш истаги сусаяди ва ривожланиш кескин секинлашади. Тез орада у амин бўладдики, атрофидагилар ундан ўзиб кетишган, чунки ўзидан қониқмайдиган ва кўпроқ нарсани хоҳлайдиган инсонлар доим топилади. Қаноат қамоқхонага айлана боради ва дангаса инсон бора-бора ундан озодликка чиқиши қийинлашаверади.

Ҳеч қачон эришган ютуқларингиз билан кифояланманг. Агар муваффақиятларингиз ўсмаса, демак улар камая бошлайди. Агар сиз ҳақиқий муваффақиятга эришишни истасангиз, сиз доим ўсишингиз керак. Бунинг учун энг яхши туртки ўзингиздан қониқмаслигингиз ҳисобланади.

ҚОНИҚМАСЛИК ЭНГ КАТТА МУКОФОТЛАРГА ЕТАКЛАЙДИ

Қоникмаслик — муҳим ҳаракатлантирувчи куч. Баъзилар уни шуҳратпарастликка йўйишса, бошқалар мукамалликка интилиш дея баҳолашади. Бу туйғу бизга табиатан ато этилган. У генетик кодимизнинг ажралмас бир бўлагидир. Доимий қоникмасликни туйиб турувчи инсонлар энг бахтли инсонлардир. Улар тўхтовсиз ривожланаверишади, уларнинг ҳаёти қизиқарли воқеаларга бой.

Шунинг учун америкаликлар “эркин бўлиш учун оч бўлиш керак”, дейишади. Қоникмаслик — эркинлик учун қалит.

Ўз-ўзидан қоникмаган инсон биладики, ҳеч қачон олий нуқтага эриша олмайди. Ўша йўлнинг ўзиёқ унинг мақсадидир. У олға интилиш жараёнидан ҳузур қилади ва ҳаётнинг ҳар бир лаҳзаси учун шукроналик билдиради.

Бир оқил киши бу фикрни қуйидагича ифодалаган: “Фараз қилинг, барчамиз орзуларимиз рўёби сари элтаётган битта поездда кетмоқдамиз. Ҳар бир бекатда поезддан кимдир тушиб қолади. Бу инсонлар қулайлик ва комфортни хоҳлашади. Улар етарли саёҳат қилганлари учун ёки шу жой ёқиб қолгани учун поезддан тушиб қолишади. Бу ҳолда поезд уларни янада сўлимроқ ва гўзалроқ масканларга элтиши мумкинлигини унутишади. Поезддан тушар экан, улар ўзларини ҳаётимизни безаши мумкин бўлган барча нарсалардан мосуво қилишади. Айнан ўша нарсалар учун бутун умр яшалади”.

Қанчалик узоқ йўл юрар эканмиз, буни янада теранроқ тушуна бошлаймиз. Ўз ҳаётида бирор марта бўлсин анъанавий рамкадан чиқиб турган нарсани ҳис қилган инсон энди ҳеч қачон ўртамеъналикка кўника олмайди.

ҚОНИҚМАГАН ИНСОНЛАРДАН КЎМАК СЎРАНГ

Агар сиз ўз фирмангизни кенгайтирмоқчи бўлсангиз, аввало, сиз билан ишлашга рози бўлган инсонларни топишингиз керак. Атрофингиздаги инсонларга ўз ғоянгизни сингдира олсангизгина фирмангиз тезда гуллаб-яшнаши мумкин.

Ходимлар топиш билан шуғулланиб, аввало қоникмаётган инсонларга эътибор қаратинг. Уларнинг баъзиларини бир қарашда ажратиб олиш мумкин, бошқалари ўз юзини ниқоб ортига беркитишган. Уларга диққат билан разм солинг, чунки ҳамма нарсдан кифояланувчи инсон билан ишлашдан ёмон нарса йўқ. Ундайлардан кўра, тошни рағбатлантириш осонроқ. Агар инсон сизни ўзида мавжуд нарса билан кифояланишига кўндирмоқчи бўлса у билан ҳеч қандай иш қила олмайсиз. Билиб қўйинг: у алдаяпти. Уни ўз ғоянгизга шерик қилишга уриниб ҳам ўтирманг. Шунчаки, гарчи сиз бошқа, тўғри йўл бор, деб ҳисобласангиз-да, ҳар бир инсоннинг танлаш ҳуқуқи бор эканлигини ёдда тутинг.

Ўз маошидан қоникмайдиган инсонларни излаб топинг. Ҳеч нарса маошнинг камлигидек инсонни қуюшқондан чиқара олмайди. Баъзи инсонлар дарҳол ишдан бўшаш учун ариза ёзиш учун салгина кўплик қиладиган маош олишади. Сиз уларга адолатли маош бериш шартлари билан ёрдам қилишингиз мумкин.

Баъзи инсонлар эса ҳаёт йўлининг бошидаёқ карьера учун яхшигина имкониятлар топишади. Бироқ бундайлар оз. Кўпчилик эса уларга таклиф қилинган дастлабки ишга рози бўлишади ва ўша жойда узоқ йиллар қолишади. Уларга бажараётган иши ёқмайди. Нега унда улар иш жойини ўзгартиришмайди? Нега инсонлар ҳузур бахш этмайдиган ишлар билан шуғулланишади?

Буларнинг жавоби битта сўзга жам бўлган — хавфсизлик. Агар сиз еб-ичишни, оилангизни боқишни истасангиз, ҳиқилдоғингизга келган ишдан ҳам шунчаки бўшаб кета олмайсиз. Шу йўл билан аксарият инсонлар йигирма-ўттиз йил ўзларига ёқмаган иш билан шуғулланишади. Ва бунга сабаб, уларнинг бошқа муқобил йўл йўқ деб ҳисоблашларида! Агар сиз уларга шундай муқобилни таклиф этсангиз, уларни ўзига ёқмайдиган ишни қилмаслик кераклигига кўндира оласиз.

Бу нарса ишининг талотўпли эканлигидан жиғибийрон бўлиб юрган инсонларга ҳам тегишли. Сиз уларнинг олдига қизиқ масалани кўндаланг қилинг — ўзингиз ҳам нима бўлишидан ҳайрон қоласиз. Шу вақтгача у ёқдан бу ёққа мақсадсиз югургилаб юрган инсон мақсад сари йўналади ва равшан фикрлай бошлайди. Агар шу вақтгача унинг ишида фақат ўртамиёна натижалар қайд этилган бўлса, энди у буюк ютуқларга эришишга қодир эканлиги ойдинлашади.

Инсонларга меҳнат ҳузур бахш этиши мумкинлигини намойиш этинг. Фақат ишдан кейин кўнгилни ёзиш мумкин, деб ҳисобловчилар шунчаки, воқеъликдан беркиниб юрган инсонлардир. Ҳар бир инсон ўзига шундай иш топиб олиши мумкинки у меҳнат жараёнини хордиқ онларидан ажрата олмай қолади.

Ғолиблар ўзларида мавжуд нарсалар учун шукроналик туйғусини туядилар, бироқ ҳеч қачон эртага ҳам бугундек яшашни исташмайди. Улар ривожланиш инсоннинг асосий эҳтиёжларидан бири эканлигини жуда яхши билишади.

АМАЛИЙ МАШҚЛАР

Мен қониқмаслик — ҳаракатлантирувчи ижобий куч эканлигини тан оламан ва куйидаги қадамларни амалга ошираман:

1. Мен овоз чиқариб, шукр қилишим лозим бўлган беш нарсани санайман. Бу машқни бажарар эканман, ҳар сафар мен кўрқув ҳиссини енгаман.

2. Мен ўзимдан қониқмаётганлигим учун куйинмайман. Қониқмаслик — бу асосий ҳаракатлантирувчи куч. Кифояланиш эса тўхташ ва аста-секин ҳалок бўлиш билан баробар. Ўзимдан қониқмаслигим мени катта нарсаларга интилишга ва тўлақонли ҳаёт кечиришга мажбурлайди. Шу сабабли бугун мен албатта етишишим лозим бўлган учта мақсадни ёзма равишда белгилаб оламан.

3. Мен атрофимдагиларни ўз эътиқодимга киритишга уринмайман. Ҳар бир инсон ўзи истагандек яшашга ҳақли эканлигини тан оламан. Бироқ мен ўз-ўзимдан қониқмаслигимдан уялмайман.

4. Мен инсонларни чорлаб, ўзим билан бирга ишлашга ишонтира олсамгина фирмам ривожланиши мумкинлигини тушунаман. Шунинг учун угун уларга яхши имконият яратиб беришим мумкин бўлган қониқмаётган инсонларга эътибор қаратаман.

30-ҚОНУНИ. ЎРДАК ЭМАС, БУРГУТ БЎЛИНГ!

Сиз дунёнинг яратилиши ҳақидаги ҳинд афсонасини ўқиганмисиз? Унга кўра, Худо аввал чиғаноқ ва бургутни яратади, сўнг эса инсонга чиғаноқнинг зерикарли ҳаёти ва бургутнинг қизиқарли ҳаётидан бирини танлаш имкониятини беради.

“Бу ерда танлашга ҳам ҳожат йўқ”, дерсиз. Албатта, бир қарашда исталган инсон бургут ҳаётини танлаган бўларди. Бироқ ҳеч ким кутмаган нарса содир бўлиб бўлган. Жуда кўпчилик инсонлар чиғаноқ ҳаётини ҳам, бургут ҳаётини ҳам танлашмаган.

Албатта, улар бургутникидек имкониятларга эга бўлишни исташади, бироқ бунинг учун баланд нарх тўлашни исташмайди. Шу сабабли, улар ўзлари учун ўз талабларга жавоб бера оладиган бошқа намуна ахтара бошлашган. Ва бу намуна топилган. У ўрдак эди.

* * *

ЎРДАКЛАР

Бир қараганда, бургут ва ўрдакнинг умумий жиҳатлари анчагина. Аслида эса улар бир-биридан тубдан фарқ қилишади. Синчиклаб разм солсангиз, сиз бургут ва ўрдакни

жуда тез фарқлай оласиз. Албатта, ҳар иккала қуш учишни билади. Бироқ, бургут булутлар ёнида парвоз қилса, ўрдак сувга яқинроқ учишни афзал билади.

Ўрдакнинг битта фарқли белгиси бор. У кун бўйи қағиллаб юради. Унга емак беришаётганда ҳам қағиллайди. Бирор нарсани ёқтирмаса ҳам қағиллайди. Унинг олдидан емагини бошқа ўрдаклар судраб кетишга уринса ҳам, бирор иш қўлидан келмаса ҳам қағиллайди. Бирор чора кўриш ўрнига қағиллаш — бу жуда ёмон хусусият.

ЎРДАКЛАР ҚАНДАЙ «ИШЛАШАДИ?»

Келинг, ўрдак характери яхшироқ англашга ёрдам берадиган бир неча вазиятни ўрганиб чиқайлик.

Бирор марта меҳмонхонага нонуштага ўн беш дақиқа кечикканмисиз? Агар бу вазиятда ўрдакка дуч келсангиз у сизга шундай дейди: “Кечирасиз, сиз кечикдингиз. Кираётганда ёзувга кўзингиз тушмадими? Бизда нонушта соат ўнгача. Қағ-қағ-қағ...”

Бургут эса шундай деган бўларди: “Сизга зудлик билан бирор нарса тайёрлаб беришимиз мумкин. Нима тановвул қилишни истардингиз?”

Қурилиш бозори нима эканлиги ҳақида тасаввурга эгамисиз? Беш минг квадрат метр савдо майдони ва битта сотувчи доим бошқа мижозлар билан банд. Кўпинча у айна дамда ҳашаматли коттедж қуришни мўлжаллаган мижоз билан гаплашаётган бўлади. Агар сиз уларнинг суҳбатини: “Кечирасиз, менда биттагина савол бор. Ёғоч учун бўёқни қаердан топсам бўлади?” — дея эҳтиёткорона бўлиб мурожаат қилсангиз нима бўлади?

Ўрдак шундай жавоб беради: “Мижоз билан гаплашаётганимни кўрмаяпсизми? Ҳаммага бир вақтнинг ўзида хихмат қила олмайман-ку?! Ўз навбатингизни кутиб туринг. Қағ-қағ-қағ...”

Бир неча ой илгари мен Атлантадаги меҳмонхоналардан бирида ўзимга аввалдан жой банд қилдим ва керакли тасдиқни ҳам олдим. Бироқ шаҳарга етиб келганимда, меҳмонхонадаги ҳамма жойлар банд эканлиги ойдинлашди. Пештахта ортидаги аёл қўлидан ҳеч нарса келмаслигини, меҳмонхонада бирорта бўш ўрин йўқлигини таъкидлашдан чарчамасди. Мен ўз истагимда қатъийлаша борганим сайин у: “Жой ўлмаса мен қаёқдан топаман? Қағ-қағ-қағ”, дерди. Ниҳоят у менга эътибор ҳам қилмай қўйди “Ҳм, навбатдаги ўрдак”, — деб ўйладим мен ва унинг бошлиғи билан учрашиш истагим борлигини билдирдим. Бояги аёл норозиларча пўнғиллаб, “У ҳам сизга худди шу гапларни айтади”, деди ва ортидаги эшикка кириб кетди. Эшик ортида ўрдаклар бозори бўлса керакки, бояги аёл ўзига навбатдаги ўрдакни эргаштириб келди.

Мен уларга бургут билан учрашишим кераклигини айтдим. “Ким билан?” ҳайрон бўлишди улар. Мен унга тушунтирдим: “Ушбу вазифа ҳали ечиб бўлмас даражага етмаганини тушунадиган инсон керак”, дедим.

Бу гал у тушунди. У етаклаб келган менежер ҳақиқатдан ҳам бургут бўлиб чиқди. У менга шундай деди: “Бизда ростдан ҳам бирорта бўш хона йўқ. Бу бизнинг айбимиз, бунинг учун сиздан узр сўрайман. Бу муаммони иложи борича тезроқ ечишга ҳаракат қиламан. Ҳозир мен яқинимиздаги меҳмонхоналарга қўнғироқ қилиб, сиз учун ўз ҳисобимиздан люкс хона буюртма қиламан. Бу вақт ичида сиз ресторанимизда тановвул қила туринг...”

ФАРҚ НИМАДА?

Бургут ва ўрдакни қандай фарқлаб олиш мумкин? Бургутлар ҳаракат қилишади, ўрдаклар эса қағиллашади. Уларнинг қағиллашлари баҳона, узр, бемаъни гўлдираш, масхара ва арз-доддан иборат бўлади. Ўрдаклар эртами-кечми, ишдан ҳайдалишади. Улар инқирозларнинг биринчи қурбонига айланишади. Ҳатто шу ҳолатда ҳам улардан битта гапни эшитиш мумкин, холос: “Қандай бедодлик! Менимча, бошлиғимизга менинг тумшуғим ёқмаган кўринади!”. Бургутлар эса, аксинча, вазифаларда ўса бошлашади. Энг

мухими, ўрдакларга ўхшаб қағилламасдан, илдам-илдам ҳаракат қилиш. Ўз бўлимнингиз ёки фирмангизда бундай “қуш”лардан иложи борича халос бўлишингиз керак. Тўғри, ўрдакни ишлатиш мумкин, деб ҳисобловчи инсонлар ҳам бор. Бироқ натижада нима ҳосил бўлишини биласизми? Рағбатлантирилган ўрдак!

Қуйида ўрдаклар ва бургутларнинг бир неча фарқи баён қилинган:

- Ўрдаклар: “Мен буни қила олмайман”, дейишса, бургутлар: “Буни қандай қилиш мумкин”, дейишади.

- Ўрдаклар пессимист. Бургутлар оптимист.

- Ўрдаклар бир-бирларига нуқул салбий кўрган-кечирганлари айтишади. Бунинг учун ҳатто бутун бир ўрдаклар мажлиси ҳам тўплашади. Бургутлар эса фақат ижобий ютуқлари билан ўртоқлашишади.

- Ўрдаклар фақат энг муҳим нарсаларни қилишади, баъзида шуни ҳам қилишмайди. Бургутлар эса ўзлари қилиши керак бўлган нарсани ортиғи билан бажаришади.

- Ўрдаклар жуда аста ишлашади. Уларнинг шиори: “Мен бу ерга ишлаш учун ёлланганман, югуриш учун эмас”. Бургутлар ўз ишини максимал тезлик билан бажаришади.

- Ўрдаклар шундоқ ҳам ҳамма нарсани биламан, деб ҳисоблашади ва ниманидир қилмаслик учун сабабни осонгина топишади. Бургутлар эса янги нарсани ўрганишга доим тайёр. Улар тезда олишади ва қилишади.

- Ўрдаклар баҳона топишади. Бургутлар эса ечим.

- Ўрдаклар таваккал қилишмайди. Бургутлар эса гоҳида кўркув сезишса-да, бу уларнинг ҳаракатига тўсқинлик қила олмайди.

- Ўрдаклар ўндан олтигача ишлашади. Бургутлар эса олтидан ўнгача.

- Ўрдаклар ҳар қандай имкониятда муаммо кўришади. Бургутлар эса аксинча.

- Ўрдаклар атрофидагилар йўқлигида уларни ғийбат қилишади. Бу уларга ўзининг нақадар муҳим инсонлигини англатиш учун хизмат қилади. Бургутлар эса инсонлар ҳақида фақат яхши сўз гапиришади ва керакли ўринларда сукут сақлашади.- Ўрдаклар танлаш учун жуда кўп вақт сарфлашади. Бироқ қабул қилинган қарорни қайта кўриб чиқишни жуда тез амалга оширишади. Бургутлар эса қарорни жуда тез қабул қилишади, чунки уларда маълум бир кадриятлар тизими мавжуд ва улар ўз ички сезгисига ишонишади.

- Ўрдаклар ўз муаммоларига диққатни жалб қилиб, қағиллашгани қағиллашган. Бургутлар эса муаммо ечимига диққатни жамлаб, ҳаракатланишади.

- Ўрдаклар ўзларига нисбатан адолатсизликларни узоқ йиллар эслаб юришади. Бургутлар эса жуда кечиримли.

- Ўрдаклар овқат беришларини кутиб туришади. Агар овқат етмай қолса қағиллашади. Бургутлар эса бутун масъулиятни ўз зиммасига олиб, ўзларига керакли нарсага етишишади.

- Ўрдаклар ўзларида мавжуд нарсаларни севишга мажбур. Бургутлар эса севган нарсаларига етишишади.

- Ўрдаклар ҳар бир икир-чикирга ўзининг қизғин муносабатини билдиради. Бургутлар эса арзимаган нарсаларга уларнинг кадрига қараб ёндашишади.

- Ўрдаклар учун бутун дунё уларнинг кичкина кўлмагидан иборат бўлса, бургутлар энг баланд чўққиларга кўтарилишади.

- Ўрдаклар вазиятдан шикоят қилишса, бургутлар вазиятни ўзгартиришади.

- Ва ҳоказо ва шу кабилар...

КИМНИНГ ТАЪСИРИ ҚАНДАЙ?

Ўрдакваччалар ўз галасидан нимани ўрганиши мумкин? Қағиллашни! Бургутлар эса атрофидагиларга ҳақиқий тарбияни кўрсатишади. Сиз бургутлар ўз полапонларини ҳаётга

қандай тайёрлаганини кўрганмисиз? Аввалига улар уяда тўшак бўлган парларни чиқариб ташлашади. Кейин эса хас-хашакларни...

Уя борган сари яшаш учун ноқулай бўла бошлайди. Навбат чўпларга етади. Полапонлар энди қаттиқ ва қийшиқ чўплар устида ухлашга мжбур бўлишади. Тезда бу уларнинг жонига тегади ва учиш учун дастлабки ҳаракатларни амалга оширишади. Агар қушча жуда эринчоқ бўлса, ота-онаси уни ҳатто уядан итариб чиқаришади.

Қушчанинг қанотлари ҳали қотмаган бўлса ота-онаси унга қувиб етиб, яна уяга келтириб қўйишади. Бироқ кўпгамас. Тезда иккинчи уриниш амалга оширилади. Бу ҳолат қушча учишни бинойидек эпламагунча амалга оширилаверади.

Бургут ёнида инсонлар ўсишади. Бургутлар турғунлик ва дангасаликни ёқтиришмайди. Улар ўз полапонларидан жуда кўп нарса кутишади ва уларни ҳаракатга ундайверишади. Шу сабабли бургутлар яхши тарбиячи ҳисобланишади. Уларни ҳаёт ва атрофдаги инсонлар қизиқтиради. Бургутлар уларга ўз таъсирини ўтказишни исташади. Бургутлар ҳамма нарса яхши томонга ўзгаришини хошлашади.

Инсонлар бургутларни бу қадар эъзозлаши ва уларни ўз гербларига жойлаштирганининг сабаби шудир, эҳтимол. Инсон бургутга ҳавас қилади. Ғолиблар эса бургутлар ҳаёти билан яшашади.

Сиз ўз шахсий гербингизга қайси қушни танлаган бўлардингиз?

АМАЛИЙ МАШҚЛАР

Бугундан бошлаб мен бургутдек яшай бошлайман. Бунинг учун қуйидагилар тадбирини кўришим керак:

1. Мен бу китобни бошидан ўқишни бошлайман. Ҳар куни битта бобини. Менинг ҳозирги ҳаётимга бевосита боғлиқ бўлмаган бобларини эса ташлаб кетаман.

2. Бугун мен осуда шароитда китобдаги сўнгсўзни ўқиб чиқаман ва у ҳақида фикр юритаман.

3. Мен атрофимга ўз таъсиримни ўтказа бошлайман. Мен учун қадрли бўлган инсонларда кўп нарса кутаман. Эҳтимол, бу кимнингдир асабига тегар, бироқ мен уларга парвоз қилишни ўргата бошлайман. 4. Идеалимдаги ғолиб қандай эканлиги ҳақида ўйлаб кўраман. Унинг қирраларини ёзма равишда баён қилиб, ўз фикрларим ва қадриятларимни тартибга соламан.

5. Ҳамма учун мутлақ яроқли бўлган ғолиблар қонуни мавжуд эмаслигини тушунаман. Шу сабабли ўз қадриятларим тизимига мос равишда уларга асосланиб, ҳаётимда қўл келадиган ўз қонунларимни яратаман.